

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**«МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ, ЖИҲОЗЛАРИ ВА
МАШИНАСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРИНИ
АВТОМАТЛАШТИРИШ» КАФЕДРАСИ**

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

5A520601 – Машинасозлик технологияси

5A520604 – Механик ва физик – техникавий ишлов бериш
жараёнлари, дастгоҳлар ва асбоблар

5A520607 – Автоматлаштирилган ва автоматик дастгоҳ
тизимлари, комплекслари.

5A520610 – Қуймакорлик ишлаб чиқариш технологияси ва
машиналари

5A520611 – Босим билан ишлов бериш машиналари ва
жараёнлари магистуратра мутахассисликлари учун.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ, ЖИҲОЗЛАРИ ВА
МАШИНАСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРИНИ
АВТОМАТЛАШТИРИШ»
кафедраси

МУТАХАСИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТошДТУ услубий кенгашида
муҳокама қилинган ва
чоп этишга тавсия этилган

«__»_____2007 й.

Баённома №_____

Маъруза матнлари 5A520601, 5A520604, 5A520607, 5A520610, 5A520611 магистратура мутахассисликлари бўйича таълим олаётган магистрлар учун мўлжаллаган бўлиб, уларга мустақил равишда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим беришнинг дидактик тамойиллари тўғрисидаги тушунчалар, шахс, билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнинг хусусиятлари, давлат таълим стандартлари, мутахассислик фанлар ўқув ва ишчи режаларини ишлаб чиқиш, мутахассислик фанларни ўқитиш методларини ўзлаштириш даражасини баҳолашни, ўқитиш жараёнида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва таълим олувчиларни тарбиялаш ҳақида керакли маълумотлар беради.

Маъруза матнлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган.(). Наъмунавий ўқув режа ва дастур асосида тайёрланган.

Маъруза матни «МТЖМИЧА»

кафедраси

йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп

этишга тавсия этилган

Баённома № _____

«__» _____ 2003 й.

Кафедра мудири:

проф.Мамаджанов А.М.

Маъруза матни Механика –

машинасозлик факултети услубий

Кенгаши ҳайъати томонидан кўриб

чиқилган ва чоп этишга

тавсия қилинган

Баённома № _____

«__» _____ 2003 й.

Проф.Махкамов Қ.Х.

Тузувчилар:

«МТЖМИЧА» кафедра проф.

Мамаджанов А.М., кат.ўқит. Бобаназаров
У.Қ.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг
«Бакалаврият ва магистратура босқичларига тегишли меъёрий
хужжатларни ўқув жараёнига жорий этиш тўғрисида»ги 1998 йил 30
ноябр 330 сонли**

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь «Ўзликсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш ва Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Республика олий таълим муассасаларининг 1998/99 ўқув йилидан бошлаб бакалаврлар чиқариши ва 1999/2000 ўқув йилидан магистрлар тайёрлашга киришиши муносабати билан қуйидагиларни бажариш талаб этилади:

1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Иминов Т.К.) ва базавий олий ўқув юртлари ректорларига:
 - 1.1. Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари бир ой муддат давомида қайта кўриб чиқилсин ва уларни Мувофиқлаштирувчи Кенгаш экспертизасидан ўтказиш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун, Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этилсин.
 - 1.2. 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, Республиканинг олий таълим тизимида магистрлар тайёрлашга ўтилиши муносабати билан, «Олий таълимнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлар Классификатори»га мувофиқ таълим соҳалари бўйича магистратуранинг Намунавий давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга киришилсин ва 1999 йил 1 февралгача Вазирликка тақдим этилсин.
 - 1.3. Таълим соҳалари бўйича ишлаб чиқилган Намунавий Давлат таълим стандартлари асосида 1999 йил 15 апрелгача магистратура бўйича Намунавий ўқув режалар ишлаб чиқилсин.
 - 1.4. Таълим соҳалари бўйича Намунавий Давлат таълим стандартлари (магистратура бўйича) ҳамда Намунавий ўқув режалар белгиланган муддатларда тайёрлангандан сўнг, уларни Мувофиқлаштирувчи Кенгаш экспертизасидан ўтказиш ҳамда тегишли тартибда расмийлаштириш учун Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этилсин.
 - 1.5. Магистратура мутахассисликларининг Намунавий ўқув режалари асосида, 1999 йил 1 июнга қадар, Намунавий ўқув дастурларини тайёрлаш топширилсин.
 - 1.6. 1999 йил 1 февралига қадар, амалдаги талабалар амалиёти тўғрисидаги дастурлар етакчи хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида мавжуд бўлган тажрибаларни атрофлича ўрганиш асосида ҳамда Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, қайта ишлаб чиқилсин.

- 1.7. Ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш Маркази (Халилов Н.) билан ҳамкорликда ҳамда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори ҳисобга олинган ҳолда ўқув услубий адабиётларни тайёрлаш режалари ва уларни нашр этиш дастури ишлаб чиқилсин.
2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Рахимов Б. Х.) га:
 - 2.1. Олий таълим муассасалари фаолиятига оид қуйидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш топширилсин:
бир ой муддатда:
Илмий Кенгаш тўғрисида Низом;
Факультет тўғрисида Низом;
Кафедра тўғрисида Низом;
икки ой муддатда:
Талабалар ўқишни бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, талабалар сафига қайта тиклаш ва талабалар сафидан четлаштириш тартиби;
Иккинчи олий маълумот олиш тартиб ва қоидалари;
Талабаларга академик таътил бериш тартиби;
1998 йил 10 декабргача:
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида Низом.
 - 2.2. Жорий йилининг декабрь ойида олий ўқув юртларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари билан «Магистратура мутахассисликлари бўйича Намунавий ўқув режа ва дастурларни тузиш» мавзусига бағишланган семинар-кенгаш ўтказиш топширилсин.
3. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (Далимов Т. Н.)га:
 - 3.1. Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари, Намунавий ўқув режаларини экспертизадан ўтказиш ташкил этилсин (муддат 1999 йил 1 январгача).
 - 3.2. Бакалавриат таълим йўналишининг фанлари бўйича Намунавий ўқув дастурлари экспертизадан ўтказилсин (муддат 1999 йил 15 мартгача).
 - 3.3. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг тақдим этилишига қараб, қисқа муддатларда экспертизадан ўтказиш топширилсин.
 - 3.4. Янги таълим йўналишларини очиш тўғрисидаги таклифларнинг экспертизасини ташкил этиш масаласи юклатилсин.
 - 3.5. Талабаларнинг малакавий амалиёти бўйича ишлаб чиқилган дастурларни экспертизадан ўтказиш ташкил этилсин (муддат 1999 йил 1 апрелгача).
 - 3.6. Етакчи хорижий давлатда фаолият кўрсатаётган ассоциациялар билан амалий алоқалар ўрнатилсин ва аъзоликка кириш тўғрисида таклифлар киритилсин.
4. Олий ўқув юртлари ректорларига:
 - 4.1. Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари ва Намунавий ўқув режалар асосида ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилсин ҳамда Илмий Кенгашларда муҳокама этилсин ва тасдиқлансин (муддат 1999 йил 1 февралгача).
 - 4.2. Ишчи ўқув режаларига мувофиқ ўқув юкламаларнинг соатлари ҳисоблаб чиқилсин ва ўқув юрти учун тасдиқланган штат бирликлари доирасида,

- бир ўқувчига тўғри келадиган юклама соатлари аниқлансин ва Вазирликка тақдим этилсин (муддат 1999 йил 1 мартгача).
- 4.3. Намунавий ўқув дастурларига мувофиқ фанлар бўйича ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилсин ва илмий-услубий кенгашларда муҳокама этилиб, тасдиқлансин (муддат 1999 йил 30 июнгача).
- 4.4. Амалдаги таълим йўналишлари янги қабул қилинган Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофиқлаштирилсин ва уларнинг рўйхати 10 кун муддат ичида Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этилсин.
Бир йил муддат ичида, олий ўқув юртининг тузилиши (факультетлар, кафедралар ва бошқа тармоқларнинг номланиши, вазифалари) қайта кўриб чиқилсин ҳамда Илмий Кенгаш муҳокамасидан ўтказилсин.
- 4.5. Таълим йўналишлари бўйича олий ўқув юртининг кадрлар тайёрлаш имкониятлари (профессор-ўқитувчилар салоҳиёти, моддий-техник база, дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаганлик ҳолати) атрофлича таҳлил этилсин ва зарурий чора-тадбирлар кўрилсин.
- 4.6. Белгиланган тартибга риоя этилмасдан, Вазирликнинг буйруғисиз очилган таълим йўналишлари, Вазирликнинг 1998 йил 14 июль 262 сонли Йўриқ хатига мувофиқ қайта тасдиқ учун Вазирликка тақдим этилсин.
- 4.7. «Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида Низом»га мувофиқ олий таълим муассасаларининг амалиёти базаларини аниқлаш, уларнинг рўйхатини тузиш, амалиёт ўтадиган талабалар сонини белгилаш ва тасдиқ учун Вазирликка тақдим этиш топширилсин (муддат 1999 йил 15 январгача).
- 4.8. Магистратура тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳамда минтақанинг магистрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашга киришиш ҳақида жорий йилнинг 15 декабрига қадар Вазирликка таклифлар киритилсин.
- 4.9. Профессор-ўқитувчиларни танлов (конкурс) асосида ишга қабул қилиш жадваллари ишлаб чиқилсин ва Илмий Кенгаш қарори билан тасдиқлансин ҳамда профессор-ўқитувчилар эътиборига етказилсин. Танлов жадваллари 1999 йилнинг 15 январига қадар Вазирликка тақдим этилсин.
- 4.10. Олий ўқув юртларининг 1,2 ва 3-курсларида ўқув жараёни 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб янги ўқув режалар асосида ташкил этилсин, 4-курсларда эса ўқув жараёни амалдаги ишчи ўқув режалар бўйича давом эттирилсин.
- 4.11. 2-ва 3-курслар учун 1999/2000 ва кейинги йил учун тузиладиган «ўтиш» ишчи ўқув режаларда 1-ва 2-курслар фарқларидан келиб чиқадиган соатлар факультатив фанлар ва ўқув юрти томонидан киритиладиган соатлар ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.
5. Молия ва режалаштириш Бош бошқармаси (Алехина В.В.)га:
- 5.1. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Рахимов Б.Х.) билан ҳамкорликда талабаларни стипендия билан таъминлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш юклатилсин (муддат 1999 йил 1 февралгача).
6. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири
Олий таълим муассасаларида магистрантлар билимини назорат қилиш
ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат

НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999
йил 31 декабр 392 сонли буйруғи билан тасдиқланган

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу муваққат Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрь 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура ҳақидаги Низом» асосида ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасаларида магистрантлар билимини назорат қилиш ва баҳолашда муваққат меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинган.

2. Магистрантлар билимини рейтинг тизими орқали назорат этиш ва баҳолашдан мақсад, узлуксиз таълим тизимининг магистратура босқичида тайёрланаётган кадрлар салоҳиятини ва нуфузини янада ошириш, уларда фанларни ўрганишда доимий фаолликни, мустақил ишлаш қобилитини ошириш, топшириқларга ижодий ёндошиш, ўз билимини мунтазам равишда оширишга интилиш ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш хусусиятларини ривожлантириш ва шу тариқа рақобатбардош магистрларни тайёрлашга эришиш.

3. Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

-магистрантлар ўзлаштиришини мунтазам равишда назорат этиб бориш, уларни бутун ўқув йили давомида ўз устларида узлуксиз фаол ишлаб боришларини таъминлаш;

-магистрантларда мустақил ишлаш кўникмаларини кенг ривожлантириш ва уларда чуқур билим олишга бўлган интилишни кучайтириш ҳамда ўзаро рақобатчилик қилиш муҳитини яратиш;

-магистрантлар билимини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларини уларга мунтазам равишда маълум қилиш;

-профессор-ўқитувчиларда ўз устида мунтазам ишлаш, устозлик масъулиятини ошириш, янги педагогик технология асосида ўз услубиятини такомиллаштириш, магистрантларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг билимларини аниқ ва адолатли баҳолаш ва интеграл рейтингини аниқлаб бориш.

4. Магистрантнинг фан бўйича максимал рейтинг бали, ўқув режасида айнан шу фанга ажратилган аудитория соатлари миқдори билан белгиланади.

Магистрант билимини баҳолашда, аввал унинг ўзлаштириш кўрсаткичи аниқланади, сўнг дарс соатлари миқдorigа мувофиқ, унинг фан бўйича рейтингни ҳисоблаб топилади.

II. Баҳолаш турлари ва шакллари

5. Магистрантнинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва икки босқичда, қуйидаги турлар орқали амалга оширилади;

биринчи босқич:

-жорий баҳолаш (ЖБ) ёки оралиқ баҳолаш (ОБ).

иккинчи босқич:

-якуний баҳолаш (ЯБ).

Олий таълим муассасаси ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, магистрантлар билимини биринчи босқичда баҳолашга ЖБ ёки ОБ турининг бирини қўллаши мақсадга мувофиқлигини Илмий Кенгашда кўриб чиқади ва тегишли қарор билан расмийлаштиради.

Фан бўйича биринчи босқичда қўлланиладиган ЖБ ёки ОБ турида магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балнинг миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган аудитория соатининг 50% миқдориди белгиланади.

ЖБ ёки ОБ турига белгиланган баллар миқдори (50%) ўқитилаётган фанга маъсул бўлган кафедранинг қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб, қуйидаги ишларга тақсимланади:

- магистрантнинг давомати ва машғулотлардаги фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни консептлаштириш;
- долзарб мавзу бўйича реферат ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш, илмий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиётга аннотация ёзиш;
- мустақил ишлаш учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазма қуролларини тайёрлаш.

ЯБда фаннинг семестр (ўқув йили) давомида ўтилган ҳажми доирасида магистрантнинг билими баҳоланади. ЯБ турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган аудитория соатининг 50% миқдориди белгиланади.

ЯБ тури семестр (ўқув йили) давомида ўтилган барча фанлар бўйича таянч тушинчаларга асосланган «Ёзма иш» усулида ўтказилади.

«Ёзма иш» усули, магистрантларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндошиш, мустақил фикрлаш, ўз билмини мунтазам равишда ошириш, чет тилларни мукамал эгаллаш, адабиётлардан кенг фойдаланиш, ўз фикрларини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш ҳамда таҳлил этиш каби хусусиятларни ривожлантиради, шунингдек, профессор-ўқувчилардан ўз фанларини чуқур эгаллашни ҳамда маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўришни, ёзма иш саволларини тайёрлашда масъулият билан ёндошишни талаб этади.

Фан бўйича масъул кафедра «Ёзма иш» саволларини ва уларни ёритишга ёрдам берувчи таянч тушинчаларни ишлаб чиқади ҳамда кафедра мажлисида кенг муҳокама этиб, тегишли қарор билан тасдиқлайди.

«Ёзма иш» деканат (марказ) томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ фан бўйича дастур тўла ўтилганда сўнг ўтказилади.

Кафедра магистрантларга «Ёзма иш»ни ўтказиш тартиби ва унга қўйиладиган талабалар бўйича консультациялар ташкил этади.

«Ёзма иш»ларни ўтказиш учун, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан комиссия ташкил этилади.

«Ёзма иш» саволлари ва уларни ёритишга ёрдам берувчи таянч тушинчалар деканат (марказ) томонидан комиссия аъзоларига «Ёзма иш» ўтказилиши белгиланган вақтдан бир соат олдин, махсус конвертда тақдим этилади.

«Ёзма иш» ни ўтказиш учун 3 соат вақт берилади.

«Ёзма иш»ларни текшириш ва баҳолашга малакали профессор-ўқитувчилар, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарнинг етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

«Ёзма иш»ларни ўтказиш ва текширишга жалб этилган шахсларга меҳнат ҳақи бюджетдан ташқари маблағ ёки соатбай жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

«Ёзма иш»ларни баҳолаш меъзонлари олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва Илмий Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

«Ёзма иш»ларнинг 10% ташқи тақриз учун, Вазирлик томонидан бошқа олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилиши назарда тутилади.

Магистрантларнинг «Ёзма иш»лари натижаларига кўра, фандан бевосита дарс берган профессор-ўқитувчининг рейтинги белгиланади ҳамда уни қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади.

Магистрантларнинг «Ёзма иш»лари икки йил мобайнида деканат (марказ)да сақланади.

Фан бўйича ўтказилган таянч тушинчаларига асосланган «Ёзма иш» натижаларига кўра, 15% дан кам балл тўпланган магистрантнинг иши ижобий баҳоланмайди ва унга деканат (марказ) нинг рухсати билан, 10 кун муддат ичида, қайта топшириш имконияти берилади.

6. Ўқув режага мувофиқ ўқитилиши бир неча семестр (ўқув йили)га режалаштирилган фан бўйича магистрантнинг рейтинг бали, ҳар бир семестр (ўқув йили) давомида айнан шу фан бўйича магистрант томонидан тўпланган баллар йиғиндиси билан аниқланади.

7. Деканат (марказ) ва кафедралар белгиланган тартибда фан бўйича магистрантнинг ЖБ ёки ОБ ҳамда ЯБ турларида кўрсатган ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боради ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклдаги қайдномаларда қайд этади. Баҳолаш натижалари ўқув бўлимида оператив равишда ишловдан ўтказилади.

8. Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

III. Магистрант билимини баҳолаш тартиби

9. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал балнинг 65% ни тўпланган магистрант қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал балнинг 65% дан кам балл тўплаган магистрант, қониқарсиз ўқиётган деб ҳисобланади.
10. Семестр (ўқув йили) давомида фанлар бўйича тўпланган баллар ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади.
11. Магистрантнинг барча турдаги амалиётлардан олган билим ва кўникмалари, диссертация иши ҳамда Давлат аттестацияси натижалари ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади ва рейтинг дафтарчасида алоҳида қайд этилади.
12. Фан бўйича белгиланган максимал балнинг 65% дан кам балл тўпланган магистрант, ўрнатилган тартибда ректорнинг буйруғи билан магистрантлар сафидан четлаштирилади.
13. Магистрантни курсдан курсга ўтказишда, ўқув режада ўқув йилига белгиланган фанлардан магистрант тўплаган рейтинг баллар миқдори ҳисобга олинади ва ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.
14. Семестр (ўқув йили) давомида фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида магистрант тўплаган умумий балл, магистрантнинг «Рейтинг дафтарчаси»га ёзилади.
Магистрант, фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида, фанга ажратилган максимал балнинг 65% дан кам балл тўплаган ҳолда, унинг шу фан бўйича тўплаган рейтинг бали «Рейтинг дафтарчаси»да қайд этилмайди.
15. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган баҳолаш турларининг натижалари деканат (марказ) ва кафедралар томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишда ёритилиб борилади.
16. Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда тўлдириб бориш маъсулияти факултет декани (марказ бошлиғи) зиммасига юклатилади.

Маъруза №2

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999
йил 31 декабрь 392 сонли буйруғи билан тасдиқланган

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 й. 30 октябрь 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисидаги Низом»га асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изоҳловчи ҳужжат ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси (кейинчалик-диссертация) магистратурада таълим олаётган талабанинг якунловчи иши ҳисобланади.

Диссертация магистрантнинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

Диссертация мавзуси ишлаб чиқаришда, таълим, иқтисодиёт, фан-техника тараққиётида, ижтимоий соҳаларда илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

Диссертациянинг мазмуни мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб албатта натижавий ечимга эга бўлиши талаб этилади.

Диссертация мавзулари магистрантларга танлаш учун биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади. Контракт бўйича таълим олаётган магистрантларнинг диссертация мавзулари буюртмачи томонидан таклиф этилиши мумкин. Мавзу кафедрада магистрант ва унинг илмий раҳбари иштирокида муҳокамадан ўтказилади.

Кафедра тақдимномасига мувофиқ магистрантларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари олий ўқув юртининг Магистратура Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Магистрантнинг амалиёти ўтиш жойи ва тартибини кафедра аниқлайди.

Магистратура раҳбарининг тақдимномаси асосида магистрантларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари, амалиёт ўтиш жойлари ва тартибини тасдиқлаш тўғрисида олий ўқув юрти ректорининг буйруғи иккинчи семестр бошланганда кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан чиқарилади. Шундан кейин икки ҳафта муддатда диссертация ишининг ўрнатилган шаклдаги топшириғи илмий раҳбар томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади.

Магистрлик диссертацияси қуйида тузилишдан иборат бўлади:

Титул варағи (илова 1);

Мундарижа;

Кириш;

Асосий қисм боблари (2-3 боб тавсия этилади);

Хулосалар;

Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати;

Иловалар.

Мундарижада кириш, боблар ва уларга тегишли параграфлар номлари, уларнинг бошланиши бетлари рақами, диссертациядаги бошқа бўлимлари кўрсатилади.

Кириш қисмида тадқиқотлар мавзунинг долзарблиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммолик томонлари, тадқиқот предмети, тадқиқот боёкети, диссертациянинг тузилиши ёритилади.

1-бобда тадқиқот олиб борилган объект бўйича қисқача характеристика бериш билан бирга мавзунинг умумназарий муаммолари ёритилади.

2-бобда диссертацияга оид вазифа қўйиш, илмий изланишлар, амалиётлар жараёнида тўпланган материаллар, статистик маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, услубиёт, таклифлар келтирилади.

3-бобда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили асосида эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар, илгари сурилаётган ғоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланади, исботланади.

Хулоса ва тақлифлар қисмида диссертация иши бўйича чиқарилган хулосалар ва аниқ тақлифлар, магистрант диссертация устида ишлаш даврида ўзи иштирок этган изланишларда эришган натижалари мужассамлаштирилади. Хулоса ва тақлифлар диссертация боблари якунида ҳам берилиши мумкин. Қатъий назар ушбу қисм якун сифатида бўлиши шарт.

Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатида диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати келтирилади. Адабиётлар рўйхати алфавит тартибида тузилади. Хорижий адабиётлар рўйхат охирида берилади.

Иловалар қисмида диссертация матнидаги айрим қисмлар учун зарур бўлганда кўргазмали чизмалар келтирилади.

Диссертация магистрантнинг ўқиган тилида, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда ҳимояси таржима билан ўтказилади.

Диссертация ҳажми 60-80 варақдан (иловаларсиз) иборат бўлиб, Ф4 (21х29) формат қоғозга компьютерда (2 интервалда, 12-14 ўлчамли шрифтга мос) терилган ҳолатда тайёрланади (матн қоғоз варағига чапдан 2,5 см юқорида ҳамда пастдан 2 см четлаб туширилади).

Диссертация ҳимояси учун зарур кўргазмали чизмалар мувофиқ стандартлар (шартли белгилар, шрифт, масштаб ва ҳ.к.) талабларига жавоб бериб А2 формат қоғозда (5-6 тагача) бажарилиши ёки техник воситаларда экранда намоиш этилиши мумкин. Архитектура, техника, муайян санъат мутахассисликлари бўйича чизмаларга талаблар мувофиқ Илмий-услубий бирлашмалар томонидан ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг қўйилган талабларга амал қилиниб, берилган топшириққа мувофиқ тўла ҳажмда бажарилишига магистрант шахсан жавобгардир.

Зарур ҳолларда илмий раҳбарнинг тавсияси билан диссертация ишининг алоҳида қисмларига, диссертацияга раҳбарликка ажратилган вақт бюджети ҳисобидан маслаҳатчилар тақлиф этилиши мумкин.

Тайёр диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси, тақризи билан кафедрага тақдим этилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан оппонент тайинланади. Оппонент соҳа мутахассислари, илмий муассасаларнинг ходимлари, бошқа олий ўқув юр்தларининг профессор ўқитувчилари бўлиши мумкин. Оппонент илмий даражали бўлиши шарт.

Магистратура марказининг раҳбари диссертация ишини илмий раҳбар ва оппонент тақризлари билан Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация ҳимоядан кейин 10 кун давомида магистратура марказига топширилади ва ўқув юртида 10 йилгача сақланади.

(Олий ўқув юртининг номи)

Қўлёзма ҳуқуқида

(Магистрантнинг фамилияси, исми -шарифи)

(Магистрлик диссертациясининг мавзуси)

и _____мутахассислиг

(Мутахассислик шифри)

бўйича магистр даражасининг олиш
учун
(Мутахассислик номи)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Раҳбар: _____

(илмий унвони, ф.и.ш.)

ТОШКЕНТ _____й

Илова 2

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAHSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

(oily o'quv yurti nomi)

SONLI GUVOHNOMA

Familyasi _____

Ismi_____

Otasining ismi_____

Kirgan yili_____

Mutahasisligi_____

M.O'. REKTOR_____

Guvohnoma berilgan sana «_____»_____yil

_____/200____o'quv yilda_____ kursda o'qiydi

Markaz rahbari_____

200_____/200____o'quv yilida_____ kursda o'qiydi

Markaz rahbari_____

200_____/200____o'quv yilida_____ kursda o'qiydi

Markaz rahbari_____

**MAGISTRATURA
TALABASI
GUVOHNOMASI**

MAGISTRATURA TALABASINING REYTING DAFTARCHASI

**ELIM DEB, YURTIM DEB,
YONIB YASHASH KERAK**

I. Karimov

**Talaba vazifasi-yangi demokratik,
Huquqiy davlat va fuqarolar jamiyati
Moxiyatini chuqur anglagan, zamo-
naviy bilimlarni puxta egallagan,
Vataniga sodig va komil inson bo'lib
etishishdir. Ilimning mashaqqatli
yollariga bardosh bera olgankomil
Insonlargina buyuk davlat qura oladi!**

M.O'.

Reyting daftarchasi berilgan sana_____

Talabaning shaxsiy imzosi_____

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирининг 2001 йил
20 феврал 41-сонли Буйруғига**

2-Илова

**Ўзбекистон Республикаси олий ва таълим муассасаларининг
магистратурасини битирганларга топшириладиган академик кўкрак
нишони тўғрисида**

НИЗОМ

1. Академик кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасини битирган ва олий таълим муассасаси магистратурасини битирганлик ҳақидаги мувофиқ хужжатнинг (диплом) асл нусхасига эга бўлган шахсларга берилади.

Мазкур олий таълим муассасасида таълим олганлигини билдирувчи бошқа ҳужжатлар, жумладан, маълумотнома, муваққат гувоҳнома, диплом нусхаси академик кўрак нишони бериш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

2. Олий таълим муассасалари магистратурасини битирганларга академик кўрак нишонлари тантанали равишда диплом билан биргаликда бошқа таълим муассасасининг ректори ёки унинг топшириғи билан бошқа масъул шахс томонидан топширилади.

Магистрлик дипломини илгарироқ олган шахсларга академик кўрак нишонини топшириш, олий таълим муассасаси ректорининг номидан факультет декани томонидан бевосита ўзларига ёки ишончнома орқали амалга оширилиши мумкин.

3. Академик кўрак нишони, истисно тариқасида олий таълим муассасасида 20 ва ундан ортиқ йил фаолият кўрсатган ва унинг ривожига катта ҳисса қўшган профессор-ўқитувчиларга олий таълим муассасаси Илмий кенгашининг қарорига мувофиқ берилиши мумкин.
4. Академик кўрак нишони кўракнинг ўнг томонига Ўзбекистон Республикасининг орденлари ва медалларидан пастроққа тақилади.
5. Олий таълим муассасаси академик кўрак нишонини олувчидан кўрак нишонининг тан нархи қийматини ундиради.
6. Олий таълим муассасалари академик кўрак нишонига бўлган зарурий миқдорни аниқлаб, ўз тасарруфи бўйича Вазирликларига буюртма берадилар, Вазирликлар олий таълим муассасаларидан тушган буюртмаларни умумлаштириб, ўз навбатида Молия вазирлигининг «Давлат белгиси» корхонасига кўрак нишонларини белгиланган намунада тайёрлашга буюртма берадилар.
7. Академик кўрак нишони берилганлиги ҳақидаги маълумот махсус дафтарчада ёки диплом берилганлиги ҳақидаги дафтарчада рўйхатга олинади.
8. Академик кўрак нишони берилганлиги тўғрисида маълумот, дипломининг юқори чап бурчагига «Академик кўрак нишони топширилган» -деган штампни қўйиш билан белгиланади.
9. Академик кўрак нишони топшириш тартиби тўғри амалга оширилишини назорат этиш масъулияти тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган Вазирликлар зиммасига юклатилади.
10. Йўқотилган академик кўрак нишони ўрнига янгиси берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2001 йил 16 майдаги 109-сонли
Буйруғи билан тасдиқланган

**Олий таълим муассасаларида «Энг яхши хизматчи»,
«Энг яхши талаба», «Энг яхши магистрант»,
«Энг яхши аспирант», «Энг яхши ўқитувчи»,
«Энг яхши доцент», «Энг яхши профессор»,**

**«Энг яхши кафедра мудири», «Энг яхши декан»
унвонларига танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳамда Мустақилликнинг 10 йиллигини меҳнат зафарлари билан муносиб кутиб олишга қаратилган ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган.

«Энг яхши хизматчи», «Энг яхши талаба», «Энг яхши магистрант», «Энг яхши аспирант», «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши доцент», «Энг яхши профессор», «Энг яхши кафедра мудири», «Энг яхши декан» унвонлари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ўз вазифаларига маъсулият билан ёндашиб, бошқаларга ўрнак кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг хизматчилари, талаба ва аспирантлари, ўқитувчи, доцент, профессорлари, кафедра мудирлари ва деканларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасалари Илмий кенгашлари қарорларига мувофиқ, ректорларнинг буйруғи билан, ҳар йили бир марта Мустақиллик байрамини нишонлаш арафасида берилади.

Мазкур унвонларга сазовор бўлган шахсларга тантанали равишда олий таълим муассасасининг «Фахрий ёрлиғи» топширилади ҳамда бир йил давомида стипендия ва ойлик маошларига 50% миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

Мазкур унвонларга сазовор бўлган шахсларга қўшимча ҳақ тўлаш, олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Совриндорларни кенг тарғиб ва ташвиқот этиш мақсадида, олий таълим муассасасининг кўп тиражли газетасида уларнинг фотосуратлари ва қисқача биографиялари чоп этилади ҳамда олий таълим муассасасида «Энг яхшилар» лавҳаси ташкил этилади.

II. Мазкур унвонларга тавсиялар киритиш тартиби

«Энг яхши магистрант» унвонига номзодлар, мутахассис чиқарувчи кафедралар, хусусан, магистрантнинг бевосита илмий раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда, магистратура факультети (бўлими)нинг декани томонидан, битирувчи курсда таълим олаётган ва юқори кўрсаткичларга ўқиётган, илмий-тадқиқот ишларида ижобий натижаларга эришаётган, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, намунавий хулққа эга бўлган магистрантлар сафидан тавсия этилади.

III. Мазкур унвонларга танлов ўтказиш тартиби

Махсус унвонларга танлов ўтказиш учун олий таълим муассасасида махсус комиссия ташкил этилади. Махсус комиссия фаолиятига бевосита ректор раҳбарлик қилади. Комиссия аъзоларининг таркиби махсус унвонлар белгиланган поғоналарда фаолият кўрсатаётган адолатли, ташаббускор, қатъий фикр билдирувчи шахслардан ҳамда проректорлардан ташкил этилади.

Махсус комиссия ҳар ўқув йили якунида махсус унвонларга номзодларни тақдим этиш учун, олий таълим муассасасининг кўп тиражли газетасига эълон беради ва тавсиялар киритиш муддатини белгилайди.

Тақдим этилган тавсиялар махсус комиссия йиғилишида атрофлича муҳокама этилади. Махсус унвонлар белгиланган ҳар бир поғона бўйича танлов, тақдим этилган тавсиялар бўйича алоҳида очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда, махсус комиссия раисининг таклифи инобатга олинади.

Танлов натижалари, ўқув йили якунига бағишланган Илмий Кенгаш мажлиси муҳокамасига киритилади ва тегишли қарор билан тасдиқланади. Илмий Кенгаш қарори олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва кўп тиражли газета орқали жамоа аъзоларига етказилади.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг «Ўзбекистон
Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратура босқичини
илк бор битирувчиларга магистрлик дипломини топшириш тўғрисида»ги
2001 йил 30 май 5/7 -сонли**

ҚАРОРИ

Призидентимизнинг ташаббуслари билан Республикада қабул қилинган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида мамлакатимиз олий ўқув юртлари олдида масъулиятли ва шарафли вазифалар қўйилган. Жумладан, дастурда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш муҳим таркибий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йилиги ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичи якунланиши арафасида дастлабки магистрларнинг ўқишни якунлаётгани ҳаммамиз учун қувончли воқеадир. Жорий йилда 25 та олий ўқув юртида 1888 нафар талаба магистратурани битиришмоқда.

Вазирлик томонидан магистратурани илк бор битирувчилари учун магистр дипломлари ва «Магистр» кўкрак нишонлари тайёрлаб қўйилади. Магистр тайёрланаётган олий ўқув юртларида уларнинг диссертациялар кўргазмасини ташкил қилиш, улар ҳақида рисоалар тайёрлаш ҳамда тантанали равишда дипломларни тақдим этиш маросимларига кенг кўламда ҳозирлик кўришмоқда.

Юқорида баён қилингалардан ва магистратурани илк бор битирувчиларига тантанали равишда диплом топширишни ташкил қилиш мақсадида Ҳайъат йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси магистр тайёрловчи олий ўқув юртлари ректорларига:
 - 1.1. Вазирликнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасини илк бор битирувчиларига тантанали равишда диплом топширишга бағишланган тадбирлар режаси» да белгиланган тадбирларни бажаришни тўла таъминласинлар.
 - 1.2. «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг магистратура босқичини илк бор битирувчиларга магистрлик дипломини топшириш анжуманинг сценарийси» (1-Илова) мақуллانسин.
 - 1.3. Олий ўқув юртлари магистратурасини илк бор битирувчиларидан унумли фойдаланиш масаласи бўйича қўшимча чора ва тадбирлар кўрилсин.
 - 1.4. Магистрантларни фан ва техника арбоблари; ишлаб чиқариш раҳбарлари билан учрашувда магистратуранинг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, унинг ўқув босқичида таълим янада юқорироқ бўлиши мақсадида улардан янги талаб ва таклифларни олиншини ташкил этилсин.
2. Ушбу хайъат қарори бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

Маъруза №3

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
« Олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш самарадорлигини
ошириш, аспирант ва докторантларни моддий ва маънавий
рағбатлантириш ҳақида»ги 2002 йил 14 февраль 45-сонли**

БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси кенгайтирилган мажлисининг 2001 йил 28 декабрдаги баённомасида белгиланган олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, аспирант ва докторантлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган ишларни яхшилаш тўғрисидаги вазифани амалга ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ўқув юртлари ректорларига:
 - 1.1. Бир ойликмуддатда охириги 2 йилда ўқув муассасасида мавжуд аспирантура ва докторантуралар фаолияти самарадорлиги таҳлил қилинсин ва илмий кенгашда муҳокама этилсин.

Аспирантура ва докторантурани тугатиб ҳозиргача диссертация ишини илмий кенгашга тақдим этмаган ҳар бир диссертация учун ҳимоя эта олмасликнинг диссертант ва илмий раҳбарга боғлиқ бўлмаган объектив сабабларини, шу жумладан:

-чет элда мақолалар чоп этиш борасидаги муаммолар;

-автореферат ва диссертацияларни компьютерда териш ва тайёрлаш борасидаги техник ва моддий етишмовчиликлар;

-диссертация ҳимоя этиш учун мазкур соҳада Республикада ихтисослашган илмий кенгашни мавжуд эмаслиги ва бунинг учун МДХ мамлакатлари ёки чет элда ҳимоя этиш лозимлиги;

-ОАК томонидан чет эл олимлари иштирокидаги бир марталик ихтисослашган кенгаш тузилишини ташкил этиш борасидаги қийинчиликлар;

-диссертация ҳимоя этмасликнинг диссертант ва илмий раҳбарга боғлиқ бўлган сабаблари, жумладан, тадқиқотчи, илмий раҳбар ва кафедранинг ташаббускор эмаслиги, диссертацияни ҳимоя этиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар аниқлансин. Ҳар бир қийинчилик ва унинг сабабларини бартараф этиш борасида аниқ чора тадбирлар белгилансин.

1.2. Кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ўз муддатида тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш борасида доимий равишда илмий раҳбарлар, тегишли кафедра мудирлари, факультет кенгашлари ва илмий бўлимнинг масъулиятини ошириш чораларини белгилаш, ҳар бир тадқиқотчининг илмий ишини режага мувофиқ равишда амалга оширилаётганлигини қатъий назорат остига олиш, ўз муддатида бажарилмаётган илмий ишлар бўйича сабабларни аниқлаш ва аҳволни яхшилаш аниқ чора-тадбирларини белгилаш, илмий-тадқиқотларни ўтказиб, диссертацияни ўз муддатида тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш режасини бажаришга интилмаётган, етарли ташаббус кўрсатмаётган аспирант ва докторантларни рўйхатдан ўчиришгача маъмурий чораларни кўриш каби бошқарув услубларни доимий қўллаш вазифалари юклатилсин.

1.3. Аспирант ва докторантларни ўз муддатида диссертация ҳимоя қилиш имкониятини яратиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини барпо этиш ва қўллаш борасида қуйидаги чора-тадбирлар шу кундан эътиборан амалга оширилсин:

-диссертация ишини ўз муддатида ҳимоя қилган ёки ҳимоя этиш арафасидан (автореферат чиқарган) аспирант ва докторантларни 5 ойлик стипендия миқдорида, уларнинг илмий раҳбарларини эса 3 ойлик маош миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби жорий этилсин;

-аспирант ва докторантларнинг диссертацияларини компьютерда териш ва кўпайтириш шароитлари яратиб берилсин, уларнинг автосрефератларини чоп этиш ва кўргазма материалларни тайёрлаш, уларни тил ўқитиш марказларида чет тилларини ўрганиш билан боғлиқ харажатларни ОЎЮ ларининг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан қоплаш амалга оширилсин;

-аспирант ва докторантлар учун илмий адабиётлар сотиб олиш, тадқиқот мавзусига оид мақолаларни ксеронусхаларини олиш ва кўпайтириш ҳамда ўзларининг илмий мақолаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш мақсадида ҳар йилда ОЎЮ ларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2 та стипендия миқдорида (кафедра, илмий раҳбар тавсияномаси ва факультет илмий кенгашлари қарорига мувофиқ) моддий ёрдам кўрастилсин;

-аспирантуранинг I-чи ва II-чи курсларини индивидуал режадаги барча вазифаларини бажарган ҳолда тугатган ва шу туфайли диссертацияларни ўз муддатида ҳимоя этишга имкон яратган тадқиқотчилар ҳамда уларнинг илмий

раҳбарлари кафедра, илмий кенгаш тавсиясига мувофиқ мос равишда 2,3 ойлик стипендия ва 1,2 ойлик маош миқдорида моддий рағбатлантирилсин;

-аспирант ва докторантларни Мустақил ҳамдўстлик давлатлари, Республика ҳудудида ўтказилаётган диссертация мавзусига оид илмий анжуман, конференция ва симпозиумларда иштирок этиш мақсадидаги илмий сафарларини маблағ билан таъминлаш йўлга қўйилсин;

-ўз тадқиқотларини режага мувофиқ олиб бораётган аспирант, докторант ва уларнинг илмий раҳбарлари учун саломатлигини тиклаш мақсадида профилакторий, санаторий ва дам олиш уйларига бепул йўлланма бериш амалга оширилсин;

-аспирант ва докторантларнинг илмий мақолаларини чет эл журналларида нашр этишни таъминлаш мақсадида зарур маблағларни ОЎЮ нинг бюджетдан ташқари тушумлари ҳисобидан қоплашни йўлга қўйиш таъминлансин;

-ҳар ярим йилда олий таълим муассасаси аспирантура ва докторантура фаолиятини таҳлил этиш ва илмий кенгашда муҳокама қилиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда мазкур фаолият самарадорлигини оширишга оид тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва вазирликнинг Кадрлар, илм-фан бошқармасига етказиш амалга оширилсин.

2. Аспирант, докторантларнинг диссертацияларини ўз муддатларида ҳимоя қилиш ва ҳимояга тавсия этишлари учун ОЎЮ ректори масъул эканлиги белгилаб қўйилсин ва ушбу буйруқнинг нусхаси барча аспирант, докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари ҳамда тегишли кафедраларга етказиш вазифаси юклатилсин.

3. Кадрлар, илм-фан ва ИПХТ бош бошқармаси (Ш.Бўтаев)га кўзда тутилган чора-тадбирларни бажарилиши ҳақида ҳар ярим йилликда ОЎЮ ларининг ҳисоботини таҳлил этиш ва тегишли хулосаларни раҳбариятга етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
«Магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш
тўғрисида»ги 2002 йил 15 апрель 119-сонли**

БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда Вазирликнинг «Магистратурада чет тилларни ўқитиш ҳолати ва уни такомиллаштириш тўғрисида»ги 34-сонли буйруғига (8.02.2002 й.) биноан ташкил этилган махсус гуруҳ, жорий йилнинг феврал ойида Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари магистратурасида таълим олаётган талабаларнинг инглиз тили бўйича эгаллаган билимларини аниқлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг ихтисослиги ҳисобга олиниб тузилган ёзма ва оғзаки тестларни ўтказиб, натижаларини Вазирликка тақдим этди.

Ўтказилаётган тест натижаларига кўра, магистратура талабаларининг ўртача 60% инглиз тилини яхши ўзлаштирганликлари, 30-35% эса, инглиз

тилидаги матнларни қийин тушунишлари, фикрларини эркин ифода этолмасликлари, соҳаларига оид атамаларни ўз ўрнида қўллашда ҳамда инглиз сўзлари ва ибораларни ёзишда кўп хатолар қилишлари аниқланган.

Гуруҳ таҳлилига кўра ЎЗМУ, ТДПУ, ТАКИ ва ТТЕСИ талабаларининг инглиз тили бўйича билимлари ўртача «яхши» ва ТДТУ, ТДАИ, ТАЙИ ва ТКТИ талабаларининг билимлари паст баҳоланган. Тестда иштирок этган ТДТУ талабаларининг 3 тасининг (4%), ТДАИ-3 (6,6%), ТАЙИ-5 (13,5%) ва ТКТИ-11 (6,5%) билимлари «қониқарсиз» деб баҳоланган.

Бундай камчиликларнинг мавжудлиги инглиз тилини ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятига боғлиқлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Инглиз тили бўйича магистратура талабалари билимларининг саёзлиги бевосита профессор ўқитувчиларнинг махсус матнлари устида кам ишлашлари, талабаларда оғзаки нутқни ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаслиги, янги педагогик технологияга асосланган замонавий услублар кенг тадбиқ этилмаганлиги, малака ошириш жараёнида мутахассислик бўйича таълимнинг етарли эмаслиги, шунингдек, замонавий тестлар (TOEFL, GMAT, GRE кабилар) билан талабалар таниш эмасликларининг оқибатидир.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб ҳамда магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. ЎзДЖТУ ректори (Р.Б.Шоумаров)га:
 - 1.1. ЎзДЖТУ ва Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясининг ЎзДЖТУ қошида инглиз тили бўйича хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик инглиз ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи асосида икки ҳафта муддатда хўжалик ҳисобида бир ҳафталик касбий малака ошириш курсининг Низоми, жадвали ва сарф-харажатлари сметасини ишлаб чиқиш вазифалари топширилсин.
 - 1.2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси билан биргаликда 10 кун муддатда касбий малака ошириш курсларини ўтаган профессор-ўқитувчиларга бериладиган Сертификат намунасини ишлаб чиқиш ва Вазирликка тасдиққа тақдим этиш вазифаси юклатилсин.
 - 1.3. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малака ошириш курслари «Битирув иши»ни ёзиш ва уни ҳимоя қилиш билан якунланиши белгилаб қўйилсин.
 - 1.4. Малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчилардан ҳар бир мутахассислик хусусиятлари эътиборга олинган терминологик луғатларни тузиш, инглиз тили фанидан амалий машғулотларга услубий қўлланмалар яратиш каби ишларни йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.
 - 1.5. Малака ошириш курсларида тайёрланган услубий қўлланмаларни мавзулар бўйича тўплаш, умумлаштириш ва улар асосида дарслик, ўқув услубий қўлланмаларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилсин.
2. КИФИПКТББ (Х.Раимов)га:

Хўжалик ҳисобидаги курсларни ташкил қилиш бўйича зарурий меъёрий ҳужжатлар билан таъминлансин, ташкил қилиш бўйича маслаҳатлар

берсин ва курсларнинг сифатли, мазмунли ўтиши устидан назорат ўрнатсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

- 3.1. Инглиз тили бўйича ўтказилган тест натижалари махсус гуруҳ, аъзолари иштирокида барча олий таълим муассасаларининг кенгайтирилган Илмий Кенгашларида атрофлича муҳокама этилсин ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда чет тилларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилсин.
 - 3.2. Магистратурада таълим олаётган ҳар бир талабанинг чет тилларидан бирида эркин сўзлашиши даражасига етказиш, чет тиллари кафедраларининг асосий вазифаларидан этиб белгилансин.
 - 3.3. Чет тиллари кафедраларини малакали профессор-ўқитувчилар билан кучайтириш, чет тиллари ўқитилиш учун ажратилган аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлашга ҳамда уларнинг янги авлодини яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.
 - 3.4. Чет тили машғултларида янги педагогик технологияларни қўллаш, чет элларда нашр этилган адабиётлар, газета ва журналларда ҳамда Internet материалларидан кенг фойдаланиш ташкил этилсин.
 - 3.5. Талабаларда TOEFL, GMAT, GRE каби тестларни ишлаш, хорижий адабиётларни ўқиш, тинглаб тушиниш, реферат ёзиш ва бахс юритиш кўнкмаларини шакиллантириш топширилсин.
 - 3.6. Инглиз тили профессор-ўқитувчиларини ЎзДЖТУ қошида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик малака ошириш курсларига жўнатиш ҳамда сарф-харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиш вазифалари юклатилсин.
4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Маъруза №4

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифаларнинг
2002 йилда олий таълим тизимида бажарилиши ҳақидаги 2002 йил 24
декабр 13/3-сонли**

ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, белгиланган вазифалардан келиб чиқиб таълим тизимида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим муассасалари услубий раҳбарлик қилиш, ўқув жараёнига таълимнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни жорий этиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш каби муҳим масалалар бўйича 2002 йилда ОЎМТВ да амалга оширилган ишлар ҳақида Вазир С.С.Ғуломовнинг маърузаси (1-Илова ҳисобот) ҳамда муҳокамада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маъсул ходимлари М.О.Акбаров,

Ф.М.Кучукбоев ва бошқаларнинг олий таълим тизимини бошқариш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда Ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш бўйича 2002 йилда ОЎМТВда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазир С.С.Ғуломовнинг маърузаси (хисобот) ахборот учун қабул қилинсин.
2. Бошқарма бошлиқлари ва ОТМ лари ректорларига маърузада ва унинг муҳокамасида кўрсатилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилсин:
 - 2.1. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (М.Ҳ.Саидов)га: ОТМларнинг локал тармоқларини (Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда) яратиш, уни Интернетга улаш ва ушбу тармоқларни бирлаштирувчи ягона таълим тармоғини яратиш учун ўрнатилган тартибда маблағ ажратиш.
 - 2.2. Ҳалқаро алоқалар бош бошқармаси бошлиғи (Д.Расулев)га: Хорижий фуқаролар учун белгиланган тўлов-контракт миқдорини қайта кўриб чиқиш, хусусан, ўзбек миллатига мансуб хорижий фуқароларнинг тўлов-контракт миқдорини камайтириш масаласи бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш (муддати бир ҳафта).
 - 2.3. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (М.Ҳ.Саидов) ва Ҳалқаро алоқалар бош бошқармаси бошлиғи (Д.Расулев)ларга: Ўзбекистон ҳудудидаги фаолият кўрсатаётган донор ташкилотларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, чет эл инвестицияларига муҳтож бўлган устувор йўналишларни аниқлаш бўйича донор ташкилотлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашни ташкил этиш ҳақида таклифлар бериш (муддати: 10 кун).
 - 2.4. КИФИПКТББ бошлиғи ўринбосари (Х. Раимов)га: Малака ошириш ва қайта тайёрлашни алоҳида таълим тури сифатида шакллантириш, олий ўқув юртлари қошидаги институтлар, марказлар ва факультетлар негизида пойтахтда академия ва жойларда институтларни (ҳар бир, вилоят марказида) ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш (муддати: 10 кун).
 - 2.5. Бажарилган тадбирлар ва тайёрланган таклифлари бўйича маълумотномалар 2003 йилнинг 15 январигача Вазирликнинг мониторинг бўлимига тақдим этилсин.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

Вазир, Ҳайъат раиси

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
«2003 йилда Вазирлик ОТМ ларида ўтказиладиган илмий
конференциялар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2003 йил 6 феврал
26-сонли**

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 январдаги 62-Ф-сонли «2003 йилда Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган илмий ҳамда илмий-техникавий съездлар, конференциялар ва семинарлар ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, жорий йилда Вазирлик тасарруфидаги ОТМларида ўтказиладиган илмий конференция ва семинарлар режасини тасдиқлаш, мазкур тадбирларда профессор-ўқитувчи, магистр, аспирант ва докторантларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 январдаги 62-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий конференциялар 1-Иловада кўзда тутилган ОТМ ларида белгиланган муддатларда ўтказилсин.
Вазирлик олий таълим муассасалари миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференция ва семинарлар режаси 2-Иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. ОТМ лари ректорларига:
 - илмий-амалий конференция ва семинарли белгиланган муддатларда ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш;
 - мазкур анжуманларда профессор-ўқитувчи, мутахассис-олимлар, иқтидорли талаба, магистр, аспирант ва докторантларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
 - конференция натижаларини, эришилган энг муҳим хулосаларни оммавий ахборот воситаларида, айниқса телевидение орқали кенг ёритиш;
 - конференция натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва уларда қабул қилинган тавсияномаларни 10 кунлик муддатда Вазирликка (Ш.Бўтаевга) таъминлаш вазифалари юклатилсин.
3. Кадрлар, илм-фан ва ИПХТ бош бошқармаси (Ш.Бўтаев)га илмий конференция ва семинарлари белгиланган муддатларда юқори савияда ўтказилишини назорат қилиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш, самарадолиги тўғрисида тахлилий ҳисобот тайёрлаш вазифаси юклатилсин.
4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Ихтисослик фанлари бўйича тажрибалар ўтказиш бўйича маълумотларга эга бўлиш ва амалда фойдаланиш

Ихтисослик бўйича маъруза матнларини тузиш ва тайёрлаш бизда жуда мураккаб жараёндир. Чунки ўқитувчи болаларга ҳам тарбия, ҳам илм бериб бориши лозим. Ўқитилаётган маъруза тушунарли, кўргазмали бўлиши керак. Талабаларнинг эътиборини ҳар хил йўллар билан ўзига жалб қилиб, уларга кўзлаган билимни бериш лозим. Бунинг учун ўқитувчида аввалом бор билим, малака, тажриба, топқирлик, нутқ маданияти ва шу кабилар бўлиши шарт.

Маълумки ҳозир олий ўқув юртлари намунавий ўқув режаси ва дастури асосида ишлашга тўла ўтди. Шу туфайли олий ўқув юртларида мутахассислик ва бошқа фанлардан янги ўқув режаси асосида тузилган дастурларга ўтилмоқда.

Шу билан бирга ихтисослик фанларидан ўзбек тилига ўтирилган дарсликлар хали кам. Ваҳоланки, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ихтисослик фанини ўқитиш методикасига доир қўлланмалардан фойдаланиб ўтказиладиган махсус курс ва семинарларининг аҳамияти катта. Аслида олганда дарсдан ташқари ва факультатив машғулотлар ўтказишга тайёр бўлмаган ўқитувчини яхши тажрибали ўқитувчи деб бўлмайди.

Ўқитувчиларнинг фанга қизиқиши, аввало дарс жараёнининг ташкил этилишига боғлиқ. Шу билан бирга, яхши ташкил қилинмаган дарсдан ташқари тадбирлар орқали ҳам ўқитувчиларнинг ихтисосликка қизиқишларини амалга ошириш мумкин.

Мутахассислик фанига қизиқувчи талабалар ихтисослик дарсида олган билимлари камлик қилади. Улар ихтисосликка доир кўпроқ билим чуқурлаштириш мақсадида ташкил қилинган, яҳни ихтисослик назарий материалларни амалий жиҳатдан ўрганиш ва дастур материалларини яна ҳам мустаҳкамлаш ва ўрганиш мақсадида ўтказиладиган машғулотларга кўпроқ аҳамият берадилар.

Бу дарсларда талабаларда етарли даражада тушунча ҳосил қилиш учун тартиб бўйича машғулотларда маърузага асосланган дастур бўйича назарий билимларни амалда кўриб чиқишлари зарур.

Шунинг учун амалий машғулотлар ва лабораториялар дарслари махсус жиҳозланган хоналарда ўтказилади. Мисол учун «Машинасозлик технологияси» фани лабораториясида турли туман дастгоҳлар, кескичлар, мосламалар, ўлчов асбоблари бўлиши талабаларнинг тасаввурини ва дунё қарашини кенгайтиради. Талаба назарий олган билиминини амалда ўзи қўл билан ушлаб ва у устида амаллар бажариб бориши, ихтисослашишнинг ҳаётда қандай қўлланилиши, билимни қизиқарли ва мураккаб масалаларни кўпроқ ечимини ҳисоблаш воситалари билан ишлашни, ихтисослик фани тарихига доир материаллар билан танишишни, фаннинг янги ютуқларидан хабардор бўлиб турилишни истайдилар.

Шунинг учун маъруза матнларини тайёрлашда ўрганилган материалнинг мазмуни ва ҳажмини чегаралаб қўйиш қийин.

Маъруза матнларини қизиқарли, маъсулиятли ва талабаларни мустақил фикр юритишга мажбур қиладиган қилиб тайёрлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичи тугаб учинчи босқичига ўтаётган бир даврда тайёрланаётган кадрлар сифатини янада ошириш, замон талабига мос бўлган малакали мутахассисларни етиштириш вазифасини қўйди. Ҳозирги бозор иқисодиёти эса, фақат китобий билимларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларга таянган ҳолда мустақил фикрлайдиган, ишлаб чиқариш ва ҳаётий масалаларга ижодий ёндошиб, уларнинг турли вариантдаги ечимларини топиш ҳамда энг самараларини танлаш қобилиятига эга бўлган кадрлар етказишни талаб қилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек “Таълимнинг янги модели мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантиришга олиб келади”.

Таълим тизими олдига қўйилган долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус Таълим вазирлиги бир қатор амалий кўрсатмалар бериб бормоқда. Жумладан. 2002-2003 ўқув йилининг “Таълим сифатини ошириш ўқув йили” деб эълон қилинганлиги, педагоглик амалиётига муаммоли маърузаларнинг жорий қилиниши ана шундай долзарб кўрсатмалардан ҳисобланади.

Муаммоли маърузанинг одатдаги маърузадан қандай фарқи бор? Унинг ўқитиш сифатдаги оширишдаги аҳамияти нимадан иборат? Энг аввало шунини таъкидлаш лозимки, муаммоли маъруза ўқитувчини жўнгина (ўз жавоби ўзи билан) баёнидан иборат бўлмай, балки машғулоти давомида бир неча (2–3 та) муаммолар қилади. Уларга ечим топишда талабалар фаол иштирок этадилар, бунинг натижасида янги ахборотнинг ўзлари мустақил излаб топадилар. Ўқитувчи эса, талабаларнинг ижодий фикрлаш жараёнини бошқариб боради. Иккинчидан, талабалар ўқув жараёнидаги сусти (пассив) тингловчидан фаол иштирокчига айланадилар. Ўз фикрлари, ғоялари қарашлари билан машғулотларда фаол иштирок этиб, унинг мазмунини ва натижасини янада бойитадилар. Учинчидан, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг фақат хотираси эмас, балки уларнинг кўп вариантли (дивергент) тафаккури ва шахси ҳам ривожланади. Методик жиҳатдан тўғри қўйилган муаммолар талабалар тафаккурини, муаммоларини мустақил ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришнинг калити бўлиб қолаверади.

Педагогика фанида муммоли ўқитишнинг – муаммоли савол, муаммоли вазият, муаммоли масала ва муаммоли топшириқ шакллари мавжуд. Уларнинг дастлабки иккитаси маъруза машғулотларига кўпроқ мос келади.

Муаммоли савол. Баъзи олимларнинг (Безрукова В.С., Каган В.А.) тадқиқотларида ва амалий кузатишларида таъкидлаганидек, ўқитувчиларнинг талаба (ўқувчилар)га берадиган саволларининг 80-85 фоизи ўзлаштиришнинг фақат репродуктив даражасидаги жавобни талаб қилади. Бу ҳолат уларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирмас экан. Чунки, бундай саволар ахборот тавсифига эга бўлиб, уларнинг тайёр жавоблари ўқув адабиётларида ёритилган ёки ўқитувчи уларни тушинтирган бўлади. Демак, тайёр жавоблари манбаларда ёритилмаган саволлар талабалар учун муаммо туғдиради, уларни фикрлашга ундайди, яъни муаммоли савол туғилади. Улар талабаларни – таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, туркумлаш каби тафаккурнинг юқори босқичларида фикрлашга ундайди. Жаҳон педагогикасида бундай саволлар “Билим саволлари” деб аталади. “Нима учун?”, “Таркибий қисмларга ажратинг”, “Энг муҳим хусусиятлари нима?”, “Буни сиз қандай ҳал қилган бўлар эдингиз?”, “Ўзаро муносабатларини аниқланг”, “Таққосланг” кабилар ана шундай саволлардан бўлиб ҳисобланади. Албатта бундай саволарни шакллантиришда муайян фаннинг асосий таянч тушунчалари ва хусусиятларини назарда тутиш даркор. Масалан, “Янги педагогик технологиялар” фанидан биринчи маъруза Голдбрайт, Т.Сакомато, М.Кларинларнинг “Педагогик технология” тушунчасига оид таърифларни мустақил ўзлаштирганларидан сўнг, талабаларнинг “Юқорида қайд қилинган таърифларда педагогик технологиянинг қайси энг муҳим жиҳати кўзга ташланади?” деган савол билан мурожаат қилинади.

Муаммоли вазият. Бундай вазият бирор тушунчани англаш ёки бирор хатти ҳаракатни бажариш учун талабаларнинг мавжуд билимлари етарли бўлмаганда, яъни билиш ва билмаслик ўртасида номунофиқлик пайдо бўлганда содир бўлади. Маъруза давомида яратиладиган муаммоли вазият машғулот мавзусига оид бўлиш билан бирга, олдин ўзлаштирган билимларга асосланган ҳолда, унинг ечимини топиш имконияти ҳам мавжуд бўлиши зарур. Бутунлай номалум бўлган вазият яратилса, талабаларда унинг ечимини топишга қизиқиш пайдо бўлмайди (вақт бекорга сарфланади). Масалан физикадан ёруғлик дифракциясига оид маърузадан қуйидагича муаммоли маъруза яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади: ёзув тахтасига ёруғлик манбаи ва экран ҳамда улар оралиғига диффрагма чизилиб (слайд намойиш қилиниб), талабаларга “Экран марказидан нуқтада ёритилганлик қандай бўлади?” деб мурожаат қилинади.

Муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишнинг қуйидаги таркиблари мавжуд:

- 1) муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони қўйиш;
- 2) вазият ечимини топиш учун тахминларни олға суриш ва илмий асосланган тахмин (гипотеза) ларни асослаш;
- 3) муаммоли вазиятни ҳал қилиш;
- 4) муаммо тўғри ҳал қилинганини қўриб чиқиш;

Маърузаларда яратилган муаммоли вазиятлар ўқув материалларига боғлиқ бўлиш билан бирга, талабаларнинг бўлажак мустақил амалий фаолиятини ҳам акс эттириш зарур. Бунинг натижасида, бир томондан ўқув материаллари ўзлаштирилади, иккинчи томондан эса талабалар фақат китобий билимларга эга бўлиб қолмасдан, бўлажак амалий ҳаётга ҳам тайёрланиб борадилар. Жаҳон педагогикасида бундай вазиятни топшириқлар кейси деб аталади. Гарвард университети (АҚШ) магистр талабалари уларнинг бўлажак амалий фаолиятларига оид 2,5 мингта кейсни ечгандан сўнггина магистр дипломини олиш ҳуқуқига эга бўлишади. Муаммони қўйилиши ва унинг ечимини талабаларнинг фаоллик коэффициенти қуйидагича аниқланади (Вергасов В.М.):

- муаммони ўқитувчининг ўзи қўйиб, унинг ечимини ўзи эолон қилганда $K=0$;
- ўйинли вазият, эшиттириб фикрлаш, фаоллаштирувчи саволларда $K=0,25$;
- диалог, мустақил иш, мунозара, тайн йўл қўйиладиган ҳатоларни тўғрилашда $K=0,5$;
- муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиб, уни талабалар ҳал қилганда $K=0,75$;
- муаммони талабаларнинг ўзлари шакллантириб, унинг ечимини ўзлаштирганда $K=1.0$

Муаммоли маърузалар ўқитувчига бир талай ўзига хос дидактик талабаларни қўяди. Ўқув материални методик таҳлил қилиш (муаммоли савол, вазият, масала ва топшириқларни шакллантириш, уларнинг ечиш усуллари ва тўғри жавоблар вариантларини тайёрлаш). Шу билан бирга, муаммоли маърузаларнинг ўқув жараёнига жорий этилишида Таълим сифатининг асосий кўрсаткичи талабаларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдаги аҳамияти бениҳоядир. Бу эса тайёрланаётган кадрларнинг

мамлакатимизда амал қилаётган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатишларини таъминловчи омилдир.

Маъруза №5

Ихтисослик фанларидан амалий ва лаборатория машғулотларини режаларини тузиш ва ўтказиш

Ихтисослик фанларидан амалий ва лаборатория машғулотлари деганда талабаларнинг билимларини кенгайтириб, натижа олади ва бу натижа асосида хулоса қилади. Амалий машғулотларда эса ўша фанга доир турли-туман масалаларни яққол мисоллари ечиб кўрилиб, назарий билимлар мустаҳкамланади. Амалий машғулот ва лаборатория машғулотлари учун режа тузиш ўқув дастури ва маъруза матни асосида тузилади. Бу нарса бор жихоз ва имкониятларга ҳам боғлиқдир. Мисол учун: “Техник тизимларни бошқариш” фанидан лаборатория машғулот-лари рақамли бошқарилувчи дастгоҳлар ёрдамида олиб борилади. "Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологик жихозлари" фанидан лаборатория машғулотлари автомат дастгоҳларда амалга оширилади.

Унда мавжуд дастгоҳларни ишлаш ариинциаллари мукаммал ўрганилиб борилади.

"Саноат соҳалари технологияси" фани бўйича талабалар прогрессив технология усуллари билан танишган ҳолда ҳар бири индивидуал вазифа бажаради, яъни бирор бир оддий детал учун технологик жараён тузадилар.

Педагогика фанларида педагогик малака, кўникма ва тажрибани ошириш усуллари ва дарс ўтиш турлари

Мисол учун дарсда «Таълим қонунлари ва қонуниятлари» ҳақида маъруза ўтказилади. Бунда педагогикадан қандай таълим бериш қонун ва қоидалари тушунтирилади. Биз бу дарсда қуйидаги таълим қонунлари билан танишдик.

1. Таълимда илмийлик бўлиш қоидаси.
2. Таълимда тизимлилик, изчиллик бўлиш қоидаси.
3. Таълимнинг тарбияловчилик характери.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиш қоидаси.
5. Таълимда онглилик ва фаоллик ва мустақиллик қоидаси.
6. Таълим жараёнида ҳар қайси талабага хос хусусиятларни англаш қоидаси.
7. Таълимда илмий билим ва кўникма малакаларини пухта мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси.
9. Таълимнинг талабага мос бўлиши.
10. Таълим ва тарбиянинг биринчи қоидаси.

Илмий билим қуйидаги усуллардан иборат:

1. Тақсимлаш усуллари
2. Идеаллаштириш усуллари
3. Аналогия усули

4. Моделлаштириш усули
5. Гипотезлаш усули
6. Илмий башорат усули
7. Назорат усули
8. Экспериментал усули

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАР

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ (критическое мышление)

1. Танқидий фикрлаш асослари
2. Танқидий фикрлашни ривожлантириш йўллари ва усуллари

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Танқидий фикрлашнинг таърифи:

Танқидий фикрлаш - ғояларни ҳар томонлама кўриш фаол жараёни бўлиб, унга ғояларнинг аҳамияти ва бошқа ғоялар билан солиштириш киради. Бу юқори даражали фикрлашдир.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Танқидий фикрлашнинг таърифи:

1. **ТФ** - мустақил фикрлашдир
2. Ахборот **ТФ** нинг бошланиши ҳисобланади
3. **ТФ** масалани қўйишдан ва муаммони ўрганишдан бошланади
4. **ТФ** ишончли аргументацияга асосланади.
5. **ТФ** – ижтимоий фикрлашдир.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Олий таълим тизимида интерактив усулларни қўллашнинг тўртта асоси:

1. Интерактив таълим ва танқидий фикрлаш ҳаёт фаолияти учун керакли натижалар беради.
2. Интерактив таълим мустақил таълим олишни ривожлантиради.
3. Интерактив таълим бағрикенгликни (толерантностр) ривожлантиришга хизмат қилади.
4. Интерактив таълим шакллари ишлатилса, талабада қизиқиш юқори бўлади.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

ТФ 3 фазадан иборат:

ДАЪВАТ (вызов)

АНГЛАШ (осмысление)

МУЛОҲАЗА (размышление)

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

ДАЪВАТ фазасининг асосий мақсади - ўқувчида янги билимлар олишга интилиш ҳиссиётини уйғотишдир.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

АНГЛАШ – янги ўқув материални тушунишга эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифасидир.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

МУЛОҲАЗА – бу фазада билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан тўлиқроқ тасаввур шаклланади

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Танқидий фикрлаш асослари (ДАЪВАТ, англаш, мулоҳаза) ёрдамида ўқитувчи қўйидагиларни ўқитиши:

- ўқувчиларнинг фикрлашини фаоллаштиради;
- фаол мунозарага имкон яратади;
- ўзгаришларни рағбатлантиради;
- ўқувчиларга турли хил фикрларни эшитишга имкон беради;
- ўқувчиларга ўзларининг саволини баён қилишда ёрдам беради;

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Ўқув хонасида ўқувчиларнинг қўйидаги хатти ҳаракатлари шаклланиши ва қўллаб қувватланиши зарур:

1. Ўзига ишонч.
2. Билим олишда фаоллик кўрсатиш.
3. Педагог ва ўртоқлари билан фикр алмашиш.
4. Бошқаларни эшитиш малакаси.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Ўқитувчининг саволлари танқидий фикрлашни ривожлантиришда қудратли қурол бўлиб ҳисобланади.

ДАЪВАТ фазасида:

«Ўтилган мавзуга оид қандай маълумотларни биласиз?»

«Бу ҳақида сиз олдиндан нималарни биласиз?»

«Бўни сизга нима аҳамияти бор?»

«Нимани тушунмадингиз, лекин уни билишни хоҳлайсиз?»

«Нима учун бу муҳим?»

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Англаш фазасида:

«Бу материалдан сиз қандай янги маълумот олдингиз?»

«Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай?»

«Бўнинг аҳамияти нимада?»

«Сизда нима чуқурроқ таассурот қолдирди?»

«Бу яхшими ёки ёмонми?»

«Сиз муаммони яхлитлигича қандай тасаввур қиласиз?»

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Мулоҳаза фазасида:

«Менинг бу ҳақидаги фикрим қандай?»

«Бўндан биз қандай хулосаларга келишимиз мумкин?»

«Бу ахборот менинг билганларим билан қандай боғланишга эга?»

«Бу ғоялар таосирида менинг қарашларим қандай ўзгарди?»

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ

Танқидий фикрлаш ўқув хонасидаги муҳитни ўзгартириб, унга жўшқинлик тўсини бериш, машғулотларни эса ўқитувчи ва ўқувчи учун қувончга айлантиришдир. Бўнда шахс қадрияти ғояси ва унинг ривожланиши, ўз-ўзини англаши ва рўёбга чиқариши учун қўлай шароитни яратишнинг ўстиворлиги энг муҳим бўлиб ҳисобланади.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

СИНКВЕЙН УСЛУБИ

Синквейн беш қатордан иборат ўзига хос, қофиясиз шеор бўлиб, унда ўрганилаётган тўшўнча (ходиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборот йиғилган ҳолда, ўқувчи сўзи билан турли вариантларда ва турли нўқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тўзиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учўн муҳим бўлган малакадир. Синквейн тўзиш жараёни яхшироқ англашга ёрдам беради.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

СИНКВЕЙН ТУЗИШ ҚОИДАСИ

1. Биринчи қаторда мавзу (топшириқ) бир сўз билан ифодаланади (одатда от билан).
2. Иккинчи қаторда мавзу иккита сифат билан ифодаланади.
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги хатти-харакатни ўрта сўз билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторда мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.
5. Охирги қаторда мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маноси ўнга яқин бўлган битта сўз ёзилади.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

1. _____ топшириқ
2. _____ иккита сифат
3. _____ харакатли ўрта сўз
4. _____ фикр (4 та сўздан иборат гап)
5. _____ топшириққа яқин сўз (синоним)

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

СИНКВЕЙНГА МИСОЛ

1. Декан
2. Малакали, қаттиққўл
3. Бўйруқ чиқарувчи, ёрдамчи, талабаларни тартибга чакирувчи.
4. Факултет декани ва талабалар отаси
5. Ташкилотчи

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

СИНКВЕЙНГА ТОПШИРИҚЛАР

- | | | |
|----------------------|---------------------|-------------------|
| 1. <u>Парта</u> | 5. <u>Директор</u> | 9. <u>Кислота</u> |
| 2. <u>Ўзбекистон</u> | 6. <u>Компьютер</u> | 10. <u>Бюджет</u> |
| 3. <u>Технология</u> | 7. <u>Вал</u> | 11. <u>Ғишт</u> |
| 4. <u>Талаба</u> | 8. <u>Формула</u> | 12. <u>Нрютон</u> |

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

ТФ нинг фазалари

<u>ДАЪВАТ</u>	<u>АНГЛАШ</u>	<u>МУЛОҲАЗА</u>
<u>Синквейн</u>		<u>Синквейн</u>

ТФ нинг ривожлантириш усуллари «АҚЛИЙ ХУЖУМ» УСЛУБИ

Ақлий ҳужум услуби универсал қўлланиш характериға эға. «Ақлий ҳужум» нинг вазифаси кичик гурӯҳлар ёрдамида янги-янги ғояларни яратишдир (кичик гурӯҳнинг яхлитлигидаги кучи, ўнинг алоҳида аозоларининг кучлари йиғиндисидан кўп бўлади). Ақлий ҳужум муаммони ҳал қилаётган кишиларнинг кўпроқ ақл бовар қилмайдиган ва ҳатто фантастик ғояларни яратишға ўндайди. Ғоялар қанча кўп ўларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси айнаи муддао бўлиши мумкин. Бў ақлий ҳужум негизидаги тамойилдир.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари
«АҚЛИЙ ХУЖУМ» нинг қоидалари

- **Фикр ҳеч қандай чекланмаган ҳолда иложи борида қаттиқроқ айтилиши лозим;**
- **Ҳар қандай ғояни айтиш мумкин;**
- **Ғояларга тушунтириш берилмайди, вазифага бевосита боғлиқ ҳолда айтилади;**
- **Таклифлар бериш тўхтатилмагунча айтилган ғояларни танқид ёки муҳокама қилишга йўл қўйилмайди;**
- **Барча айтилган таклифлар ёзиб борилади.**

Ақлий ҳужум тўхтатилгандан сўнг барча айтилган ғоялар муҳокама қилиниб, энг мақбули танланади.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари
«Ақлий ҳужум» ўқув жараёнида:

МАЪРУЗАларда – яқка тартибда ёки жуфтликда, амалий машғулотларда – 4-7 кишидан иборат кичик гурӯҳларда ҳамда гурӯҳ бўйича ҳам ўтказиш мумкин.

Ақлий ҳужум машғулотларида талабалар фаоллигини оширишга, чарчоқни йўқотишга, ғояни излашга шароит яратади.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари
«Ақлий ҳужум» услубига мисол:
Мавзу: Энг қизиқ мавзунини танлаш

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

<u>ТФ нинг фазалари</u>		
<u>ДАЪВАТ</u>	<u>АНГЛАШ</u>	<u>МУЛОҲАЗА</u>
<u>Синквейн</u>		<u>Синквейн</u>
<u>Ақлий ҳужум</u>		

ТФ нинг ривожлантириш усуллари
ИНСЕРТ УСУЛИ

Ўқув жараёнида ўқув материали (матн)нинг ҳар бир сатр боши (ёки қисми)нинг мазмунини баҳоланиб, ҳулоса варақнинг чап томонига қалам билан махсус белги сифатида қўйиб борилади. Махсус белгилар:

«V» - ўқиладиган ахборот сизнинг билган ва ўйлаб турганингизга мос тушса;

«—» - ўқиладиган ахборот сизнинг билган ва ўйлаб турганингизга қарама-қарши бўлса;

«+» - ўқиладиган ахборот сиз учун янгилик бўлса;

«?» - ўқиладиган ахборот тушунарли бўлмаса ёки бу ҳақида сиз батафсилроқ маълумот олишингиз керак бўлса.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари
ИНСЕРТ усули нимани ривожлантиради?

- **матн билан ишлашнинг самарадорлигини оширади**
- **фаол ўйлаб ўқишни таъминлайди**
- **олдинги ахборотни янгиси билан боғлашни ўргатади**
- **мавзунини кейинчалик ўрганишга ДАЪВАТ қилади.**

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

<u>ТФ нинг фазалари</u>		
<u>ДАЪВАТ</u>	<u>АНГЛАШ</u>	<u>МУЛОҲАЗА</u>
<i><u>Синквейн</u></i>		<i><u>Синквейн</u></i>
<u>Ақлий ҳужум</u>		
	<i><u>Инсерт</u></i>	<i><u>«Инсерт» жадвали</u></i>

ТФ нинг ривожлантириш усуллари**«КЛАСТЕР» УСУЛИ**

«Кластер» сўзи ғунча, боғлам маоносини англатади. Бу стратегия талабаларни бирор мавзу бўйича эркин ва очиқдан-очиқ фикрлашга ёрдам беради. У асосан янги фикрларни уйғотиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди.

Бирор мавзу бўйича кластерлар тузишда ушбу мавзунини мукаммал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«КЛАСТЕР» тузиш кетма-кетлиги:

1. Катта қоғоз варағи ўртасига «таянч» сўз ёки ибора ёзилади.
2. Мавзуга тегишли бўлган сўз ёки иборалар қоғозга ёзилади.
3. Сўз ва иборалар тўғрисидаги ўзаро боғланиш ўрганилади (кластерларга ажратилади).

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«КЛАСТЕР» тузиш учун топшириқ:

1. Ўзингиз дарс олиб бораётган фаннинг бирор мавзусига оид бўлган тушунча бўйича кластер тузинг.
2. Тушунчанинг бир-бирига ўхшаш хоссаларини умумлаштириб, кластерни ташкил этувчиларни тоифаларга ажратинг.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

<u>ТФ нинг фазалари</u>		
<u>ДАЪВАТ</u>	<u>АНГЛАШ</u>	<u>МУЛОҲАЗА</u>
<i><u>Синквейн</u></i>		<i><u>Синквейн</u></i>
<u>Ақлий ҳужум</u>		
	<i><u>Инсерт</u></i>	<i><u>«Инсерт» жадвали</u></i>
<i><u>Кластер</u></i>		<i><u>Кластер</u></i>

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«КУБ» стратегияси

«КУБ» стратегияси ўқитиш услуби бўлиб, келажаги бўлган мавзунини кўришни енгиллаштиради. Куб олти томонга эга бўлганидек бу стратегиянинг олти қирраси мавжуд:

- Бунга талқин беринг
- Буни таққосланг
- Буни бирор нарсага қиёсланг(ассоциация)
- Буни тахлил қилинг
- Бунга ҳа ёки қарши далилларни келтиринг
- Буни қўлланг

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«КУБ» стратегиясининг кетма-кетлиги

1. Мавзу берилади
2. Ўқувчиларга «КУБ» стратегияси асосида мавзу бўйича ёзма жавоблар ёзилади.
3. Жуфтликлар бир-бирини берилган ёзма жавоблар билан таништилади
4. Хохловчи жуфтликлар ёзма ишини гуруҳ учун эшиттиради(мисол учун иккита жуфтлик)

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

ТФ нинг фазалари		
ДАЪВАТ	АНГЛАШ	МУЛОҲАЗА
<i>Синквейн</i>		<i>Синквейн</i>
Ақлий ҳужум		
	<i>Инсерт</i>	<i>«Инсерт»жадвали</i>
<i>Кластер</i>		<i>Кластер</i>
<i>Куб</i>		<i>Куб</i>

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«ИККИ ҚИСМЛИ КУНДАЛИК» усули

Матн мазмунини тадқиқ қилиш имкониятини яратувчи оддий ва самарали усулдир.
Нимани ривожлантиради?

- ахборотни – билимни, маҳоратни, малакани;
- ақлий фикрлашни;
- ўзининг эстетик, маданият сифатларини (нравственнке)

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«ИККИ ҚИСМЛИ КУНДАЛИК» усулининг кетма-кетлиги

1. Дафтарнинг саҳифаси чизиқча билан икки қисмга бўлинади.
2. Ўқувчи муаллифнинг таосир қилган, қизиқтирган, ўйлантирган сўзларини ва ғояларини чап томонга ёзади.
3. Ўнг тарафга эса чап томонда ёзилган сўз ва ғояларга ўзининг изоҳини беради.
4. Матн тугагандан сўнг ўқувчилар жуфтликлар ёки кичик гуруҳларда ўзларининг ишлари бўйича муҳокама қилишлари мумкин.


ТФ нинг ривожлантириш усуллари

ТФ нинг фазалари		
ДАЪВАТ	АНГЛАШ	МУЛОҲАЗА
<i>Синквейн</i>		<i>Синквейн</i>
Ақлий ҳужум		
	<i>Инсерт</i>	<i>«Инсерт»жадвали</i>
<i>Кластер</i>		<i>Кластер</i>
<i>Куб</i>		<i>Куб</i>
	Икки қисмли кундалик	Икки қисмли кундалик

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«ВЕННА ДИАГРАММАСИ» усули

Диаграмма икки ёки ундан ортиқ кесишувчи айланалар асосида қурилади. Усул ёрдамида таҳлил ва синтез ўтказиш мумкин. Икки ёки ундан ортиқ аспектларни кўришда ҳар хиллигини ва умумийлигини белгилаш мумкин.



Нимани ривожлантиради?

- ахборотни – билимни, маҳоратни, малакани;
- ақлий фикрлашни;

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

ТФ нинг фазалари		
ДАЪВАТ	АНГЛАШ	МУЛОҲАЗА
<i>Синквейн</i>		<i>Синквейн</i>
Ақлий ҳужум		
	<i>Инсерт</i>	<i>«Инсерт»жадвали</i>
<i>Кластер</i>		<i>Кластер</i>
<i>Куб</i>		<i>Куб</i>
	Икки қисмли кундалик	Икки қисмли кундалик
	Венна диаграммаси	Венна диаграммаси

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«Биламиз/Билишни хоҳлаймиз/Билдик» услуби

Бирор мавзу ёки унинг бўлими бўйича тадқиқот ишларини ўтказишга қаратилган.

Нимани ривожлантиради?

- ахборотни – билимни, махоратни, малакани;
- ақлий фикрлашни;
- ҳаракатли амалий соҳани

«Б/Б/Б» усулининг жадвали

Нимани биламиз?	Нимани билишни хоҳлаймиз	Нимани билдик?
1.		
...		
N		

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«Биламиз/Билишни хоҳлаймиз/Билдик» услубининг кетма-кетлиги:

1. «Б/Б/Б» усулининг жадвалини тайёрланади
2. Масалани қўйиш ва жуфтлик ёки кичик гуруҳларда ақлий ҳужум ўтказилади
3. Тез сўраш йўли билан жадвалнинг «Нимани биламиз» устуни тўлдирилади.
4. Ўқитувчининг махорати билан жадвалнинг «Нимани билишни хоҳлаймиз» устуни тўлдирилади.
5. Қўйилган саволларга жавоб топиш учун тайёрланган ахборот ўқилади.
6. Ўқиш тугатилгандан сўнг янги ахборотлар асосида жадвалнинг «Нимани билдик» устуни тўлдирилади.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

ТФ нинг фазалари		
ДАЪВАТ	АНГЛАШ	МУЛОҲАЗА
Синквейн		Синквейн
Ақлий ҳужум		
	Инсерт	«Инсерт»жадвали
Кластер		Кластер
Куб		Куб
	Икки қисмли кундалик	Икки қисмли кундалик
	Венна диаграммаси	Венна диаграммаси
Б/Б/Б	Б/Б/Б	Б/Б/Б

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

«ЖАДАЛЛАШТИРИЛГАН МАЪРУЗА» услуби

Анонавий МАЪРУЗАнинг чуқурлаштирилган, ўзгартирилган варианты.

Кетма-кетлиги:

1. МАЪРУЗА материали олдиндан мантиқий тугатилган қисмларга бўлинади.

2. Тайёрланиш фаолияти: а) ақлий ҳужум; б) жуфтликларда муҳокама қилиш учун саволлар қўйиш; в) бўлажак МАЪРУЗАнинг таянч сўз ва ибораларини рўйхатини кўрсатиш ва 3-4 минут давомида тахминий талқин бериш.
3. 10-20 минут давомида МАЪРУЗА материални тушунтириш.
4. Дастлабки яқунлар ясаш.
5. Индивидуал, жуфтлик ёки гуруҳларга кичик вазифалар бериш. Вазифаларнинг кўринишлари:
 - а) _____ учун нима керак?
 - б) _____ билан нима содир бўлади?
 - с) _____ учун қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?
6. 10-20 минут давомида МАЪРУЗА материални тушунтириш.
7. Натижаларни олиш. Ўқувчилар ўзларининг ғояларини МАЪРУЗАда олинган ғоялар билан солиштиради.
8. Якуний вазифа: а) тингловчилар жуфтликларга бўлинади ва ҳал қилувчи саволларга жавоб беришади; б) тингловчилар 5 минутлик ёзма иш – эссе ёзишади ва муҳокама қилинади.

ТФ нинг ривожлантириш усуллари

ТФ нинг фазалари		
ДАЪВАТ	АНГЛАШ	МУЛОҲАЗА
Синквейн		Синквейн
Ақлий ҳужум		
	Инсерт	«Инсерт»жадвали
Кластер		Кластер
Куб		Куб
	Икки қисмли кундалик	Икки қисмли кундалик
	Венна диаграммаси	Венна диаграммаси
Б/Б/Б	Б/Б/Б	Б/Б/Б
<i>Ж.МАЪРУЗА</i>	<i>Ж.МАЪРУЗА</i>	<i>Ж.МАЪРУЗА</i>

Маъруза №6

1.1. Педагогик технология ҳақида


Ўзбекистон Республикасида юқори малакали олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишда, янги педагогик технологияларга алоҳида ўрин ажратилган. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таъкидланганидек, "Талабаларни ўқитишни янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда жадаллаштириш зарур".

Педагогик технология - бу давр талабидир. Ўқитувчилик фаолияти ишлаб-чиқариш фаолиятининг бир тури бўлгани сабабли, педагогик технологиянинг пайдо бўлиши ҳам шу билан боғлиқдир. Шунинг учун, унга ҳам, ишлаб-чиқариш технологиясидек қуйидаги талаблар қўйилади: **лойиҳалаш, бошқарилиш, натижаларга кафолатли эришилиш, тузатувлар киритилиши, тежамкорлик.**

"Педагогик технология" атамасининг кўп таърифлари мавжуд, аммо бу атама ҳали стандартлаштирилмаган. Шунинг учун, бу атамани дунёдаги нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан берилган таърифига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - таълим шакллари ва мазмунини самарадорлигини оширишга қаратилган, **инсон омиллари ва техник воситалардан оқилона фойдаланилган ўқитиш ва ўзлаштиришнинг тизимли услубияти.**

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ



1.2. Педагогик технологиянинг мақсади ва вазифалари.

Педагогик технологиянинг мақсади - таълим жараёнининг етарли самарадорлигини таъминлаш ва талабалар томонидан ўқитишнинг кўзланган натижаларига эришиш кафолатидан иборатдир.

Педагогик технологиянинг бош вазифаси оммавий таълим шароитида оддий "ўртача" педагогларга ўқитишнинг самарадорлигига эришишни таъминлаш ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида, ўқитиш-ўқув материалнинг тўла ўзлаштирилиш принципига таянмоғи лозим. Яъни, фаннинг ўқув дастурига асосланган ўқув материали, гуруҳнинг барча талаблари томонидан тўла ўзлаштирилиши зарур.

"Ўқув материалнинг тўла ўзлаштирилиши" тушунчаси нимани англатади? Хар қайси мавзу бўйича ўрнатилган даражадаги билим олишга эришилиши, ўқув материалнинг тўла ўзлаштирилиш принципини англатади. Чет элда ўтказилган кўп сонли тадқиқотларга кўра, "талабаларнинг тўла ўзлаштирилиши" тушунчаси ўқув материалнинг гуруҳдаги хар бир талаба томонидан 80-90 % га

ўзлаштирилиши тушунилади, яъни ҳар бир талаба ўқув фанини ўртача 85% га ўзлаштирилиши зарур. Бундай натижага фақат жуда катта тажрибали ажойиб профессор ва доцентлар эришилиши мумкин. Оддий профессор-ўқитувчиларда эса ўқув материалнинг бундай ўзлаштирилиши фақат иқтидорли талабалар бериши мумкин.

Бу шароитда, қандай қилиб талабаларнинг тўла ўзлаштирилишига эришилиши мумкин? Бунга эришилишнинг уч йўли бор:

Биринчи йўл: ўзлаштирилишнинг мезонини пасайтириш, ҳозирги пайтда шундан фойдаланилмайпти, шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ўқув материални, ўқув фанини 55% ўзлаштирган талаба, ўзлаштирадиган талаба деб ҳисобланади.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти кадрларнинг савиясига ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар чегарасини белгилайди. Агар бу минимал талаблар 55% га ўзлаштирилса, ҳар бир фан бўйича, талаба ўзлаштирилишнинг умумий интеграл баҳоси қанча бўлади деган савол туғилади. Табиийки бу йўлнинг истикболи йўқдир.

Икинчи йўл: профессор-ўқитувчилар таркибини фақатгина олий даражали ажойиб профессор ва доцентлар асосида тузиш. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ўқитиш усуллари ва йўллари туфайли, тайёргарлик даражаси бутунлай ҳар хил бўлган талабаларни тўла ўзлаштирилиши таъминлайдилар. Ҳақиқатда, бир гуруҳда киришдаги бали 80 дан 200 гача бўлган талабалар ўқиши мумкин. Бу йўл - ҳақиқатдан узоқ, идеаллаштирилган йўлдир.

Талабаларнинг ҳаммаси иқтидорли бўлмаганидек, профессор-ўқитувчилар таркибининг ҳаммаси ҳам иқтидорли, олий даражали бўла олмайди.

Учинчи йўл - ўқув жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш бўлиб, улар ўқиш ва ўргатишнинг асосий элементларини ўрнатиб, ўзида, олий даражадаги педагог олимларнинг ўқитишдаги услуб ва йўлларини мужассамлаштирган бўлади.

Ишлаб чиқаришда, малакаси унча юқори бўлмаган оддий ишчи тайёр технология бўйича олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганидек, оддий ўқитувчи, педагогик технологияни қўллаб, ажойиб натижаларга эришади. Педагогик технологиянинг қиммати ва аҳамияти айнан шу билан белгиланади.

1.3. Педагогик технологиянинг моҳияти

Ўқув мақсадларининг ноаниқ ва мужмал қўйилиши ва ўқитишдан кутиладиган натижанинг йўқлиги, ўқитишнинг одатдаги мавжуд мактабининг камчилиги бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида, олий таълим муассасаси ўқитишдан кутиладиган натижанинг йўқлигидек, ортиқча дахмазага йўл қўя олмайди. Ўқитиш натижаси аниқ ва эришиладиган бўлиши лозим, акс ҳолда, тайёрланадиган мутахассисларга эҳтиёж ҳам ноаниқ бўлади ва улар талаб қилиб олинмайди.

Одатдаги ўқитиш мактабига таянган олий ўқув муассасаси, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг аниқ талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга қодир бўлмайди.

Педагогик технологиянинг хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни яратилади ва амалга оширилади.

Ўқитиш технологияси қуйидаги асосий элементлардан иборат:

- ўқув мақсадларини ўта аниқ даражада ишлаб чиқиш, уларни ўлчаш ва баҳолаш мезонларини танлаб олиш;

- қўйилган ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган ўқув жараёнини ишлаб чиқиш ва аниқ ифода этиш;

- ўқув мақсадларини, бутун ўқув жараёнини, ўқитиш натижаларига кафолатли эришишга йўналтириш;

- ўқитиш натижаларини оператив зудлик билан баҳолаш ва ўқитиш жараёнига тузатишлар киритиш;

- ўқитиш натижаларини якуний баҳолаш.

Ўқитиш технологиясининг асосий элементлари таснифидан кўриниб турганидек, педагогик технологиянинг асоси бўлиб, ўқув мақсадларининг қўйилиш муаммоси ва ўқитишни шу мақсадга эришиш учун йўналтириш ҳисобланади.

Педагогик технологияда мақсадларнинг қўйилиш усули шундан иборатки, қўйилган мақсадлар, талабаларнинг ҳаракатида мужассамлашган ўқув натижалари орқали ифодаланиши лозим. Бу натижаларни педагог ёки қандайдир бошқа эксперт ишончли равишда аниқлай олади.

Ўқитиш натижалари ҳаракатлар тилига қайси йўл билан ўтказилиши мумкин?

Бу нарсага қуйидаги йўллар билан эришиш мумкин:

1. Ўқув мақсадларининг тоифаларга ва кетма-кетлик даражаларига таснифлаб, ўқув фани бўйича мақсадларнинг аниқ тизимини тузиш.

Ўқув мақсадларининг бундай тизими педагогик таксономиялар деб аталади (бу сўз, грек сўзлари “taxis” - тартиб билан жойлаштириш ва “nomos” - қонундан келиб чиққан).

2. Ўқитишнинг мақсадларини ифодалош учун энг равшан, аниқ тил яратиш ва шу орқали педагог, етарли даражада аниқ бўлмаган ибораларни ифода этиши мумкин.

Педагогик мақсадларнинг ҳозирги кунда энг кенг тарқалган таксономияси, америкалик педагог олим Б.Блумнинг тизими ҳисобланади. Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари, Б.Блум бўйича, қуйидагилар ҳисобланади: билиш; тушуниш; қўллаш; анализ; синтез; баҳолаш (2.1- жадвал).

Ўқув фанининг мақсадларини аниқлаштириш, бу таксономия бўйича қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

1. Фаннинг ўқув мақсадларини белгилаш.

2. Ҳар қайси мавзу, бўлим, модулнинг мақсадларини белгилаш. Ўқув мақсадлари тизимини тузиш ва даражалашни жадвал кўринишида тасвир этиш мақсадга мувофиқ бўлади (2.1-жадвал).

Биринчи босқичда ҳар бир мавзу (бўлим) бўйича таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш лозим. **Иккинчи босқичда**, ҳар бир таянч иборани, ўрганилиш чуқурлигини ўрнатиш зарур бўлади. Яъни, талаба қайсидир таянч

иборани билиш даражасида (ўқув материални эслаб қолиш етарли бўлади), бошқа таянч иборани кўллаш даражасида (аниқ шароитлар учун ўқув материалдан фойдаланиш), айрим таянч ибораларни баҳолаш даражасида (ўқув материалнинг у ёки бу қийматини аниқ мақсадига кўра баҳолаши ва бунинг натижаси ижодий ҳулоса чиқариши) ва ҳ.к. ўзлаштириши зарур бўлади.

Учинчи босқичда ҳар бир ўқув мақсадига эришиш, мезонни ўрнатиш керак бўлади. Яъни, ўқув мақсади шундай ифодаланиши зарурки, унга етиш ёки етмаганлигини адашмасдан аниқлаш мумкин бўлсин.

Ўқув мақсадларининг бундай аниқ турланиши, ўқитиш жараёнини оптимал режалаш ва ўқитишдан кўзланган натижаларга эришиш имкониятини беради. Ўқув мақсадларига эришилгани ёки ўқитиш натижалари ҳақида фақат ташқи белгилар жавоблар, масалаларни ечиш ва ҳ.к. бўйича ҳулоса чиқариш мумкин.

Ифодаловчи белгилари тўла ва ишончли ёритилган мақсад, идентификацияланадиган мақсад дейилади. Шунинг учун, ўқитиш вазифасини идентификация қилиш учун, унинг ташқи белгиларини тўла ифодалаш зарур.

2. Илғор педагогик технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил қилиш тартиблари

Ўқув жараёнининг асосий қисми дарс машғулоти бўлиб, уни қай даражада моҳирона ташкил этилиши пировард натижаларда, яъни талабалар томонидан ўтилган мавзунини қай даражада ўзлаштирилишида ўз ифодасини топади.

2.1. Дарс жараёнига тайёргарлик кўриш

Анъанавий дарсларга тайёргарлик кўришда, одатда, тегишли адабиётларни ўрганиб, дарснинг режаси ва тегишли маъруза матни тайёрланар эди. Илғор педагогик технологиялар асосида дарсга тайёргарлик кўриш анъанавий тайёргарликдан катта фарқ қилади. Яъни, бунда, ўқитувчи тайёргарлик давомида тегишли мавзунинг мақсадини, уни ўтказиш усули ва воситаларини танлаши ёки аниқлаши, намойиш этилиши зарур бўлган тасвирий материалларни тахт қилиб қўйиши, етарли даражада тарқатма материалларни тайёрлаши, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини аниқловчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиши зарур. Ушбу тайёргарлик давомида дарс боришини ифодаловчи лойиҳа ёки бошқача айтганда дарснинг сценарийсини тайёрлаши лозим. Унда дарснинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш назарда тутилади.

2.2. Дарс жараёнини лойиҳалаш

Дарс жараёнини лойиҳалаш - дарс давомида ўқитувчи томонидан талабаларга тегишли билим, кўникма, ахборот ёки маълумотларни етказишни тартиблаштиришдир. Бунда қуйидаги ишлар амалга оширилади:


1. Мавзу ва таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари шакллантирилади (Б.Блум таксономияси асосида).
2. Мавзунини ёритиш услуби танланади.
3. Талабаларни фаоллаштирувчи саволлар, топшириқлар, тестлар, масала ёки машқлар тайёрланади.

4.Баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Бунда ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқловчи белгилар,топшириқларнинг жавобларига мослигини белгиловчи мезонлар келтирилиши мақсадга мувофиқ.


5. Дарс жараёни лойиҳасининг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва талабанинг аниқ вазифаси келтирилади.

Фаннинг бир семестр давомида ўқитиладиган қисми учун юқорида зикр этилган бандлар тўла ёритилган услубий ишланма янги педагогик технологияни тегишли фанга қўллашга доир услубий қўлланма ҳисобланади. Бунда тегишли фандан маъруза ва амалий машғулотлар учун алоҳида-алоҳида услубий қўлланма яратиш мақсадга мувофиқдир. Қуйида техник, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарс лойиҳалари намуналари келтирилди.

ЎҚИТИШНИНГ АНЪАНАВИЙ УСУЛИ



ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ



2.2.1. "Амалий механика" фанидан маъруза машғулотни лойиҳаси

Мавзу: Амалий механикага кириш.

Мақсад: Амалий механиканинг асосий тушунчалари билан танишиш, билиш ва айримларини амалда қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш.

Машғулотни ўтиш усули: Муаммоли маъруза

Ўқув мақсадлари таксономияси

№	Мавзу	Таянч иборалар	Ўқув мақсадлари тоифалари					
			Билиш	Тушуниш	Қўллаш	Анализ	Синтез	Баҳолаш
1.1	Умумий тушунчалар	Мустаҳкамлик Бирлик Устиворлик	+	+	+			
1.2	Кучлар классификацияси	Ҳажмий кучлар Сиртдаги кучлар Статик кучлар Динамик кучлар Доимий кучлар Вақтли кучлар Қисқа вақтли куч	+	+				
1.3	Деформация турлари	Катта Кичик Оддий Чўзилиш (сиқил) Силжиш Буралиш Эгилиш Мураккаб эгилиш билан буралиш Сиқилиш билан буралиш	+	+	+			
1.4	Ички кучлар кесиш усули	Зўриқиш кучи Ички кучлар ташкил этувчилари Кесиш усули Бўйлама зўриқиш Қўндаланг зўриқиш Буровчи момент Эгувчи момент	+	+	+	+	+	+
1.5	Кучланиш	Нормал кучланиш Уринма кучланиш Кучланишлар тензори	+	+	+	+	+	+

Маъруза машғулоты сценарийси

№	Ўқитувчининг фаолияти	Ажратилган вақт минут	Талабанинг фаолияти
I	Машғулот мавзусининг ўқув	3-5	Машғулот мавзуси ўқув

	мақсадини баён қилади		мақсадини билиб ва тушиниб олади
II	Муаммоли саволни ўртага ташлайди	2-3	Муаммоли саволни дарс давомида жавобини топади
III	Умумий тушунчаларни мисоллар билан баён қилади, мустаҳкамлик, бикрлик ва устиворликка алоҳида урғу беради	10	Асосий тушунчалар мустаҳкамлик, бикрлик устиворлик, ишончлиликини билиб тушуниб яхши эслаб қолади
IV	Кучлар классификацияси, кучларнинг турларини аниқ мисоллар билан баён қилади	5-8	Кучлар турларини билиб, тушиниб ва эсда сақлаб қолади
V	Деформация турларини ва уларни техникадаги ролини тушинтириб, баён қилади	5-8	Деформация турларини билиб, тушиниб эсда сақлаб олади
VI	Ички кучларни Ньютоннинг учинчи қонуни асосида пайдо бўлиши ва уларни топиш учун кесиш усулини қўллашни тасвирлар билан тушунтиради	10-15	Ички кучлар ташкил этувчилари, кесиш усули ва уни қўллаш йўллари билиб, тушиниб, яхши эслаб қолади
VII	Кучланишлар тўғрисидаги тушунчаларни тасвирлар билан баён қилади	5-8	Кучланиш нормал ва уринма кучланиш тензори маъноларини билиб, тушиниб олади
VIII	Муаммоли савол ёки топшириқни жавобини топиш бўйича мулоқат ўтказди. Мулоқот сўнггида ўқитувчи муаммоли савол ечимини тўл баён қилиши шарт ва тўғри жавоб берган талабаларни рағбатлантириш зарур.	5-10	Дарс давомида шаклланган фикрини баён қилиб беради
IX	Талабалар билимини текшириш мақсадида 5 минутлик тест синовини ўтказди	5-10	Дарс давомида ўрганган ва олган билимларини тестларни ечиб намоён қилади

2. 2. 2. “Амалий механика” фанидан амалий машғулот ўтказиш лойиҳаси

Мавзу: Таянч реакцияларини топиш

Мавзунинг ўқув мақсади: Талабаларда турли конструкция элементлар таянчлигидаги реакция кучларини топиш қўникмаларини ҳосил қилиш.

Машғулотда қўлланиладиган интерфаол усуллар:

“Кичик гуруҳларда ишлаш”

“Тармоқлар усули”

Ўқув мақсадлари таксономияси

№	Мавзу номи	Таянч иборалар	Ўқув мақсадлари тоифалари					
1.	Таянч реакцияларини топиш	-актив кучлар -пассив кучлар -таянчлар турлари -мувозанатлик тенгламалари	+	+	+			
			+	+	+			
			+	+	+	+	+	+
			+	+	+	+	+	+

Машғулотда фойдаланадиган тарқатма материаллар: **битта ёки иккита таянчи бор турли конструкция элементлари схемалари**

Машғулот сценарийси

№	Ўқитувчи фаолияти	Ажратилган вақт, минут	Талабанинг фаолияти
1	Машғулот мавзусининг ўқув мақсадларини баён қилади	3-5	Машғулот мавзуси ўқув мақсадларини билиб ва тушиниб олади
2	Мавзу бўйича қисқа назарий маълумот беради	10	Назарий маълумотларни билиб ва тушиниб олади
3	Намунавий масала ечимини баён қилади	10-15	Мавзуга тегишли масалани ечиш тарихларини билиб ва тушиниб олади
4	Талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб, тарқатма материалларни беради	3	Кичик гуруҳдаги ҳамкорлари билан бирга тарқатма материал устида ишни бошлайди
5	Талабаларни кичик гуруҳларда мустақил ишларини кузатади ва услубий ёрдам бериб боради	15-20	Тарқатма материалда белгиланган вазифани тўла бажаришга эришишга ҳаракат қилади
6	Кичик гуруҳларда талабалар бажарган ишларини баҳолайди	3	
7	«Тармоқлар» усулидан фойдаланиб, талабаларда таянч реакцияларини топиш кўникмалирини мустаҳкамлайди	15-20	Таянч реакцияларни топишни турли мисоллар орқали ўрганиб олади
8	Машғулот давомида фаол қатнашган талабаларни баҳолайди. Баҳолар рейтинг тизими асосида фоизлар улушида гуруҳ журнаliga қўйилиши шарт	3-5	

"Тармоқлар" (кластер) усулини қўллаш.

Бу усулни қўллаш билан таянч турлари ва улардаги реакция кучлари тўғрисидаги маълумотларни талабалар томонидан чуқур ўзлаштирилишига эришиш мумкин. Бунинг учун доскага доирача чизиб ичига, масалан, "таянч" сўзи ёзилади. Сўнг қолган тармоқлар талабалар иштирокида ҳосил қилинади.

Ушбу мавзу бўйича "актив кучлар", "пассив кучлар" каби таянч ибораларни ҳам шу тарзда ўргатиш мумкин. Тармоқлар ҳосил қилишда мазкур ибораларни тасвирлари ҳам чизилиши мумкин.

2.2.3. "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" фанидан амалий машғулотлар ўтказиш лойиҳаси

АМАЛИЙ ИШ ЎЙИНИ

МАВЗУ: ТАДБИРКОРЛИК ҲОЯСИНИ ТАНЛАШ ВА УНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ўйин мақсади

1. Талабаларни бизнес фаолиятини бошлашга ўргатиш.
2. Тадбиркорлик ҳоясини шакллантириш ва уни танлаш қоидаларини ўргатиш.
3. Талабаларга бозор иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнес самарадорлигининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тушунча бериш.
4. Тадбиркорлик ҳояси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари ўргатиш.
5. Тадбиркорлик ҳоясини амалга оширишда кутиладиган иқтисодий самарадорликни таҳлил қилишни ўргатиш.
6. Олинган натижаларни таҳлил қилишни ўргатиш.
7. Танлаган ҳоясини асослашга кўникма ҳосил қилиш.

Ўйин режаси

1. Тадбиркорлик ҳоясини танлаш ва шакллантириш (25 минут)
2. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тушунчаларни мустаҳкамлаш (10 минут).
3. ТҒ нинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш (10 минут).
4. Тадбиркорлик ҳоясини амалга оширишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш (25 минут).
5. Мавзунинг яқунлаш ва мустақил ишлашга топшириқ олиш (10 минут).

Ўйин шартлари

1. Амалий машғулотни ўтказишда ўқитишнинг "Ақлий ҳужум", "Кичик гуруҳларда ишлаш" каби интерфаол усулларидан фойдаланилади.

2. Ҳар бир ўйин қатнашчисида тадбиркорлик ғоясини интерфаол усулларида бири бўлган "Ақлий ҳужум" асосида танлаш усули учун тайёрланган анкета сўровлари бўлиши шарт.

3. "Ақлий ҳужум" асосида ғоя танлашда ўйин раҳбари ҳакамлик қилади.

4. Режалаштирилган вақтда барча муаммоларни ҳал қилишга улгуриш учун танланган ғояни иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини ҳисоблаш учун услубий кўрсатмалар берилиши керак.

5. Гуруҳ талабалари 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади.

Ўйин сценарийси

I - босқич. Ташкилий масалалар

№	Ўқитувчи фаолияти	Талабанинг фаолияти
1	2	3
1	Тадбиркорлик ғоясини (ТГ) танлаш ва шакиллантириш	
	- Тадбиркорлик имкониятлари ва уларни таҳлил қилишга оид ўтган мавзуда ўрганилган асосий тушунчаларни такрорлаш учун талабалар билан савол – жавоблар уюштилади. - Сўнгра тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда асосий масалалардан яна бири бўлган тадбиркорлик ғоясини тўғри танлашнинг аҳамияти, уни танлаш қоидалари тўғрисида назарий тушунча беради ва талабани дарсга тайёргарлигини текширади. Ғояни уни амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб, танлаш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлайди.	- Талабалар савол – жавобда қизғин иштирок этади ва ўтган мавзу бўйича олган билимларини намойиш этади. - Тадбиркорлик ғояси ва уни танлаш қоидалари, ғояни танлашда тадбиркорлик имкониятларини ҳисобга олишнинг аҳамияти тўғрисида мунозара уюштириладилар ва дарсга тайёргарликларини намойиш этадилар.
	Талабалар диққатини яна бир муҳим масалага тадбиркорлик ғоясини танлашда ўзининг шахсий сифатларини ҳисобга олишга қаратади	«Тадбиркорлик шахсий сифатларини аниқлаш»га оид тест бажаради ва ўзига баҳо беради.
	Тадбиркорлик ғоясини танлаш қоидалари билан таништилади.	Ўзининг бизнесни қайси тури билан шуғулланишга мойиллигини аниқлайди ва ғоя танлашга киришади.
	Гуруҳ талабаларини 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлади, ҳар бир кичик гуруҳга бошлиқ тайинлайди.	
	«Ақлий ҳужум» қондасига биноан тадбиркорлик ғоясини танлашга кичик гуруҳ қатнашчиларини тайёрлашни гуруҳ бошлиқларига топширади.	Ҳар бир гуруҳ бошлиғи ўз кичик гуруҳини ишни бажаришга тайёрлайди.

	«Ақлий хужум» учун тайёрланган саволнома билан таништиради ва уни ўтказиш тартибини тушунтиради.	Саволнома асосида тадбиркорлик ғоясини танлайдилар. Гуруҳ бошлиқлари ҳакамлик қилади.
	Ҳар бир кичик гуруҳ бошлиқларининг маълумотларини эшитади ва мунозарада қатнашади, зарурий маслаҳатлар беради, тузатишлар киритади.	Кичик гуруҳ бошлиқлари ўз гуруҳчалари билан биргаликда танланган ғоялари ҳақида маълумот беради ва танланган ғоясини асослаб беради.
	Талабаларни ишнинг бу бўлимини муваффақиятли бажарганликлари учун рағбатлантиради ва бу бўлимига яқун ясайди.	Барча гуруҳ талабалари мунозарада иштирок этадилар.
	Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодий самарадорликка моҳияти ва аҳамияти тўғрисида талабалар билимини аниқлаш мақсадида савол – жавоблар уюштиради.	Савол-жавобларда барча талабалар фаол қатнашадилар.
	Нима учун бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнесга катта эътибор бериляпти?	Талабалар бу саволга музокара тарзида жавоб берадилар.
	Шу масала юзасидан Приздендимизнинг қайси асарларини ва нутуқларидан келтира оласиз?	И.Каримовнинг асарлари, нутуқларини келтирадилар.
	И.Каримовнинг «Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш-тараққиёт гарови» деган иборасини қандай тушунасиз?	Қисқа муддатли мунозара уюштирадилар ва бу ибораларнинг мазмунини ёритадилар.
	Иқтисодий самарадорлик нима?	Иқтисодий самарадорликка таъриф берадилар.
	Иқтисодий самарадорликни аниқловчи кўрсаткичларни айтинг.	Иқтисодий самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлайдилар.
	- Тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий самарадорлиги нималарга боғлиқ? - Танланган ғоянгизни самарали бўлишини изоҳлаб беринг? - Бу масала бўйича натижаларни умумлаштиради ва бўлимга яқун ясайди.	Ўзларининг танланган ғояларида иқтисодий самарадорликка қандай эришиш мумкинлигини изоҳлаб берадилар
	Тадбиркорлик ғоясини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.	
	- Иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари бўйича савол-жавоблар уюштиради. -Фойда нима ва у қандай аниқланади? -Баланс, фойда ва соф фойда деганда нимани тушунасиз ва уни аниқлашни айтинг.	Фойда соф фойда ва баланс фойдага таъриф беради, уларни ҳисоблаш формуласини айтади.
	Рентабеллик нима ва унга қандай эришилади?	Рентабелликка таъриф беради, унга эришиш йўллари айтиди ва

		хисоблаш формуласини келтиради.
	Тадбиркорлик ғоясига капитал харажатлар қандай ҳисобланади?	Таъриф беради ва ҳисоблаш формуласини келтиради?
	- Тадбиркорлик ғоясини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича тушунчаларни умумлаштиради. - Мунозарада фаол иштирок этган талабларни рағбатлантиради ва бу бўлимга яқун ясайди.	
	Тадбиркорлик ғоясини амалга оширишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш	
	Тадбиркорлик ғоясини амалга оширишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш кетма-кетлигини тузишга кўрсатма беради.	Кичик гуруҳ бошлиқлари билан биргаликда кўрсаткичлар кетма-кетлигини аниқлайдилар.
	Кўрсаткичларни ҳисоблашга кўрсатма беради ва назорат қилади.	- Кўрсатмаларни ҳисоблайдилар: 1. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш харажатлари. 2. Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ташкил қилиш харажатлари (капитал) 3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари (капитал) 4. Маҳсулотни сотиш харажатлари (жорий) 5. Кутилаётган тушум 6. Кутилаётган баланс фойда 7. Фойдадан олинadиган солиқлар. 8. Соф фойда.
	- Олинган натижаларни таҳлил қилишга ўргатади. - Таҳлил натижалари бўйича мунозара уюштиради ва уни ўзи бошқаради.	- Ҳар бир кичик гуруҳ қатнашчилари натижаларни ўзаро муҳокама қилади. - Кичик гуруҳ бошлиқлари таҳлил натижаларини бирин-кетин эълон қилади. Олинган маълумотлар барча талабалар иштирокида муҳокама қилинади.
	- Энг яхши деб топилган ғояларни амалда тадбиқ этишга тавсия қилади. - Камчиликларини тўлдиради.	

	• Амалий иш ўйинини штказишда фаол иштирок этганликлари учун талабаларни рағбатлантиради. • Мавзу устида мустақил ишлаш ва ғояни ойдинлаштириш учун тапшириқлар беради.	
--	--	--

II - босқич

Муаммо: Ўз имкониятига мос келадиган тадбиркорлик ғоясини танлаш.

Сиз ўз имкониятингизга мос келадиган тадбиркорлик ғоясини (бизнесни) қандай танлайсиз?

Сиз ўзингизни тадбиркорлик имкониятларингизни ҳисобга олиб, бизнеснинг маълум бир соҳасини аниқладингиз. Энди сиз тадбиркорлик ғоясини танлашингиз лозим.

Тадбиркорлик ғояси - бу сиз танлаган бизнеснинг мазмуни, мақсади, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат)нинг тавсифидир. Тадбиркорлик ғояси тадбиркорнинг салоҳияти ва имкониятларига асосланиши керак.

Бизнесни танлаш қоидалари

1. Мен тадбиркор бўлишни хоҳлайман ва бўла оламан, деган қарорга келинг.

2. Сиз ҳамма вақт: овқатланган пайтингизда ҳам, сайр қилганингизда, газета ва журналлар ўқиганингизда, телевизорда реклама томоша қилганингизда ва ҳатто ухлашга ётган пайтингизда ҳам бизнеснинг қайси тури билан шуғулланишингиз ҳақида ўйланг.

3. Сиз тадбиркорлик салоҳиятига эгасиз. Бизнеснинг бир қанча соҳасида фаолият олиб боришга имкониятларингиз етарли. Шу имкониятларингизни таҳлил қилинг, ўзингизда янги имкониятларни қидиринг.

4. Сизда ғоя пайдо бўлгандан сўнг, у ҳақида доимо ўйланг, уни ҳар томонлама ўрганинг, ойдинлаштиринг, такомиллаштиринг.

5. Танлаган ғоянгизни амалга ошириш йўлларини шошилмай, обдан ўйланг, кунт ва ғайрат билан бажаришга киришинг.

6. Хато қилишдан қўрқманг, руҳингизни туширманг, ўз хатти-ҳаракатларингизни аёвсиз таҳлил қилинг, қаерда сиз хато қилганингизни тушунишга ўрганинг, ҳолатга мослашувчан бўлинг, хатоларингизни ўз вақтида тузатишни билинг.

"Ақлий ҳужум" асосида ТҒ ни танлаш

Бу усул товарлар ва хизматлар кўрсаткичларини ўзгартириш мумкин бўлган йўллари излашга ностандарт ёндашишни рағбатлантирувчи онг (ақл) ни эркинлаштиришдан иборат. Бунда фикрни туғилиши, унинг натижаси ва таҳлилига боғлиқ бўлмайди.

Махсус кенгаш ўтказилиб, айтилган фикр ва ғоялар муҳокама қилинади, унда ғоялар қандай бўлишидан қатъий назар танқид қилишга йўл қўйилмайди. Муҳокамадан сўнг энг маъқул деб топилган ғоялор устида ишлаш давом эттирилади.

Ақлий ҳужум ўтказиш қоидалари;

1. Ўйлаш жараёнида ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўйилмайди. I
Агар ўйлаш жараёнида ғояларни баҳолайдиган бўлсангиз, қатнашчилар
эътиборларини ўз фикр ва ғояларини ҳимоя қилишга қаратиб,
уларнинг янгилари ва яхшилари устида бош қотирмай қўядилар.
2. Ҳаммани ўйлашга ундаш керак, токи ҳеч бир талаба ўз фикрини эркин баён
этишдан кўрқмасин.
3. Фикр ва ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши.
4. Ҳар бир киши ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин.

"Ақлий ҳужум"ни ўтказишга ҳаракат қилинг. Сизга қуйидаги саволнома ёрдам
беради. Бунда ҳеч қандай махсус усуллардан фойдаланманг, қонунларга риоя
қилманг, ақл-идрокинғиз етганича унга имкон беринг.

Саволноманинг ҳар бир банди иш жараёнини ёки маҳсулотини яхшилашга
қаратилган.

Ақлий ҳужум" ни ўтказиш учун саволнома

1. Айни маҳсулотдан фойдаланмасдан ҳам шундай натижага эришиш
мумкинми?
2. Шу ишни умуман бажармасдан ҳам шундай натижага эришса бўладими?
3. Маҳсулот тайёрлаш ёки ишни бажаришни енгиллаштира бўладими?
4. Жараёнларни тезлаштириш учун нима қилиш мумкин?
5. Буни яна ҳам ёқимлироқ қилса бўладими?
6. Буни янада қулайроқ қилса бўладими?
7. Буни яна ҳам бежирим ва ихчам қилса бўладими?
8. Бузилмайдиган ёки мустаҳкамроқ шаклга келтирса бўладими?
9. Буни хавфсизроқ қилиш мумкинми?
10. Буни яна ҳам фойдалироқ қилса бўладими?
11. Уни бошқа бирор нарсага мослаштириш мумкинми?
12. Унинг фойдалилигини ошириш учун унга яна бирор қўшимча
қилса бўладими?
13. Буни яна ҳам ишончлироқ (мустаҳкамроқ) қилса бўладими?
14. Қандай қилиб уни самаралироқ қилиш мумкин?
15. Уни арзонроқ қилса бўладими?
16. Шу маҳсулотнинг ташқи кўринишини яна ҳам чиройли қилиш
мумкинми?
17. Маҳсулотдан фойдаланиш ғоясини кенгайтириб ва кўп мақсадларда
фойдаланиладиган қилса бўладими?
18. Уни бошқа кашфиётлар билан қўшиб, биргаликда ривожлантира
бўладими?
19. Уни фойдаланиш учун қулай ва ихчам қилиш мумкинми?
20. Уни оммалаштиришни яхшиласа бўладими?
21. Уни қадоқланишини яхшиласа бўладими?
22. Яна қайси хусусиятларини яхшилаш мумкин?

Бу усулни ҳар қандай буюм учун қўллаш мумкин. Тадбиркорлик муаммолари
ёритилган Америка адабиётларида ғоя танлашда қуйидаги махсус саволлар ҳам
келтирилган:

1. Буюмнинг ўлчамларини ўзгартириш мумкинми?
2. Унинг миқдорини ўзгартирса бўладими?
3. Унинг таркиби ва харажатлар кетма-кетлигини ўзгартирса бўладими?
4. Вақт бирлигини ўзгартириш мумкинми?
5. Сабаб ва оқибатларини ўзгартириш мумкинми?
6. Ўзига хос хусусиятларини ўзгартириш мумкинми?
7. Шаклини ўзгартирса бўладими?
8. Ҳаракатни ўзгартирса бўладими?
9. Ҳолати ёки шароитини ўзгартириш мумкинми?
10. Сотиш учун бирор-бир янгилик киритса бўладими?

Уйингизда, иш жойингизда сизга доимо дуч келадиган ҳар қандай буюм ёки ишни танлашингиз мумкин. Буларни қандай қилиб яхшилаш мумкинлиги тўғрисида ўйланг. Биз атрофимизни ўраб турган оламни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга ўрганиб қолганмиз. Энди сизга атрофингиздаги барча нарсаларни имкон қадар ўзгартириш таклиф қилиняпти. Сиз ҳаёлан уларни ўйланг, фикрингизга янгилик келиб қолса, дарҳол тўхтанг-кузатинг-ўйланг! Саволномани ҳар бир бандига камида уч дақиқа тўхталинг, туғилган ғояларни ёзиб қўйинг. Сўнгра уларга сайқал беринг.

Мисол: "Автомашиналарни таъмирлаш" фаолияти бўйича саволнома натижаси

2.2-жадвал

№	Савол	Жавоб
1	Жараёнларни тезлаштириш учун нима қилиш мумкин?	1.Таъмирланадиган агрегатларнинг айланма фондига эга бўлиши керак. 2.Тунги сменани ташкил қилиш лозим.
2	Буни яна ҳам ёқимлироқ қилса бўладими?	1. Тузатилган машинани миждознинг уйига элтиб бериш мумкин. 2. Ўз машинасида миждозга хизмат кўрсатиш керак.
3	Буни яна ишончлироқ қилса бўладими?	1. Келгуси таъмирлаш графигини тузиш учун тўлиқ диагностикадан ўтказиш. 2. Кафолат бериш зарур.
	Ва ҳоказо.	

Тадбиркорлик ғоясини танлаш натижалари

2.3-жадвал

№	Тадбиркорлик имкониятлари	Анъанавий маҳсулот	Яхшилаш, ўзгартириш имкониятлари	Тадбиркорлик ғояси (янги маҳсулот, хизмат).
1	Автомобилларни таъмирлаш	Устахонада носозликларни таъмирлаш	1. Миқдори устохонага қатнаш оврагарчилиги ва вақтни йўқотишдан ҳалос этиш. 2. Таъмирлаш сифатини яхшилаш. 3. Миқдори янада жалб қиладиган хизматлар кўрсатиш.	1. Таъмирлашга қабул қилиш ва топширишни миқдорнинг уйида ташкил қилиш (сервис хизмати) 2. 6 ойлик кафолат билан таъмирлаш, комплекс диагностика ўтказиш.

III - босқич

Тадбиркорлик ғоясини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Ўзингизга мос бўлган бизнес соҳасини танлаб олгач, сизни қизиқтираётган ғояларни қайси бирини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишини аниқлаш учун уларни иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилинг ва улардан энг қулайини танланг. Тадбиркорлик ғоясини иқтисодий самарадорлигини аниқловчи мезонлардан бири фойдадир. Фойда баланс ва соф фойдага бўлинади.

Баланс фойда маҳсулотни сотишдан келадиган тушум билан уларни ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган харажатларнинг айирмаси сифатида аниқланади. Яъни

$$\Phi_6 = T - X \quad (1)$$

Рентабеллик қуйидагича аниқланади.

$$P = \frac{\hat{O}}{\tilde{O}} \quad (2)$$

Капитал қўйилмалар ТҒ самарадорлигида муҳим ўрин тутди. Тадбиркорлик фаолиятини эндиgina бошлаётган кишилар учун камроқ капитал қўйилма талаб қиладиган соҳалар: Консалтинг, сервис, савдо, воситачилик, реклама хизматларидан бошлаш қулайлик туғдиради.

"Капитал қўйилмалар қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\hat{E}_e = \frac{\hat{O}}{\tilde{O}} \quad (3)$$

Тадбиркорлик ғоясини амалга оширишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни қуйидаги кетма-кетликда таҳлил қилинган.

1. Керакли маълумотларни тўпланг.
2. Ўз бизнесингизни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш харажатлари (X_1) ни ҳисобланг.
3. Маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш базасини

- яратишга сарфланган харажатларни (капитал қўйилма) (X2) ҳисобланг.
4. Маҳсулот (хизмат)ни ишлаб чиқариш жор,ий харажатларини (X3) ҳисобланг.
5. Маҳсулот (хизмат)ни сотиш харажати (X4) ҳисобланг.
- Шундай қилиб:

$$\tilde{O} = \tilde{O}_1 + \tilde{O}_2 + \tilde{O}_3 + \tilde{O}_4$$

ёки

$$\tilde{O} = \tilde{O}_1 + \tilde{O}_2 + \tilde{O}_3 + \tilde{O}_4 \tilde{O} N$$

бунда, N - маҳсулот миқдори.

6. Маҳсулот (хизмат) баҳосини белгиланг.

7. Кутилаётган тушумни (T) ҳисобланг.

8. Кутилаётган баланс фойдани (Ф₆) ҳисобланг.

9. Баланс фойдадан тўланадиган солиқ ва тўловларни (C) ҳисобланг.

10. Соф фойдани (Фс) аниқланг.

11. Бордию, ҳисоб-китоблар соф фойдага эришилмаганлигини кўрсатса, у ҳолда танланган ғоя самарасиз ҳисобланади ёки сотиш нархини ўзгартирган ҳолда ҳисоблар қайтадан қилинади.

Уйин якуни

Натижаларни қуйидаги жадвалларга киритинг.

Бир неча ғоя бўйича натижаларни солиштиринг.

Энг қулай ғояни танланг.

Капитал қўйилмалар (минг сўм)

3.1-жадвал

Тадбиркорлик ғоялари	Харажатлар турлари	Баҳоси	Жами
1-ғоя (ғоя номлари тўлиқ ёзилади)	• • •		
2-ғоя	• • •		
3-ғоя	• • •		

Жормй хоражатлар

3.2-жадвал

Тадбиркорлик ғоялари	Моддалар бўйича харажатлар						Жами
	Иш ҳақи	Хом ашё	Амортизация (майдон)	Эл. энергия	Ижтимоий суғурта	Бошқа харажатлар	
1-ғоя							
2-ғоя							
3-ғоя							
(ғоя номлари тўлиқ ёзилади)							

Маҳсулот (хизматлар)нинг энг кам баҳоси (келтирилган ҳисоб-
китоблар асосида белгиланади)

3.3-жадвал

Тадбиркорлик ғоялари	Бир йиллик харажат, минг сўм	Маҳсулот бирлиги таннарни, м.с.	Соф даромад, 30%	Маҳсулот (хизмат) баҳоси
1-ғоя 2-ғоя 3-ғоя				

Тадбиркорлик ғоясини амалга оширишда режалаштирилаётган фойда

3.4-жадвал

Тадбиркорлик ғояси	Тушум (Т)	Харажат	Даромад (Д)	Фойда (солиқлар тўлангандан сўнг)
1-ғоя 2-ғоя 3-ғоя				

Иқтисодий кўрсаткичлар

3.5-жадвал

Тадбиркорлик ғояси	Рентабеллик, %	Харажатларни қоплаш муддати, йил
1-ғоя		
2-ғоя		
3-ғоя		

2.2.4. Инглиз тилидан амалий машғулот лойиҳаси

Мавзу: How Gears Work

Мақсад: Инглиз тилида ихтисослик бўйича матнларни ўқиш малакасини ривожлантириш, инглиз тилида ижодий ёзишга йўналтиришда, натижаларни баён қилиш малакасини ўргатиш.

Дастурни лойҳалашда 1 навбатда мақсад қўйилади, курс охирида мақсадга эришиш қайси поғоналардан ўтиши зарурлиги ўрганилади.

Қисқа машқлар (drill), activity, машғулотлар кўпчилик билан ишлашни ёқтирганлар жуфт ва гуруҳларга бўлиниб, ўрганишга мўлжалланган материалларда фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг (Learning strategy) ўрганиш стратегияси хусусиятларини ҳисобга олиб, дарсни тўғри ташкил қилишдир.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, агар талабалар жуфт-жуфт бўлиб ёки 3-4 кишилик гуруҳларга бўлиниб ўргансалар, тилни эгаллаши осон бўлади. Гуруҳларга бўлинганда, команда бўлиб матнни clustering қилса, турли масалалар юзасидан ўзаро фаол фикр алмашадилар (interactive) ва тавсиялар киритадилар, бу жараён тортинчоқ, камгап талабани ҳам гапиришга ундайди. Талабаларни мустақил тил ўрганиш қобилиятларини оширади, ўқитувчи эса бу жараённи кузатиб, таҳлил этади, янги, ноанъанавий иш услубларини қўллаш, мақбул услуб турини дарс жараёнларида кенг қўллашга ҳаракат қилади.

Маъруза №7

**ESP мутахассислиги бўйича ўқиётган III-курс талабалари
учун тузилган режа**

Lesson plan

I. Warm up.

II. Pre-activity

**Nauruz holiday (pictures, places, students preparation,
navruz show)**

III. Prezentation (New material).

Reading

How Gears Work

1. Матнни ўқишдан олдин талабаларга матнда таниш бўлган сўз, ибора гапларни рангли қаламда ажратиб (Highlighting) қўйишлари сўралади.
2. Матнни инглиз тилида гаприб беришда сигнал берадиган атама бирликларини ўргимчаксимон харитада кўрсатиш.
3. Чуқур, тўлиқ маълумот олиш мақсади қўйилганда mind map (хотира картаси) дан фойдаланиш мумкин.
4. Талабаларга муаммоли мавзу устида ижодий фикрлаш малакасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги вазифалар берилади:

1. Агар сиз шу матни муаллифи бўлганингизда сиз матнни қандай тугатган бўлардингиз.
2. Агар сиз муҳандис бўлганингизда моторларни қандай шаклда лойиҳалаган бўлардингиз.
3. Қилган ихтирочингиз ҳақида АҚШ, Германиядаги ҳамкасбларингизга хат ёзинг каби проект ишлари, case ишлари берилади.

ESP (инглиз тилини махсус мақсадлар) ни бошланғич гуруҳларда машғулот ўтказиш учун тузилган режа

Мавзу: “Seasons of the Year”

Мақсад: Талабаларда мулоқот малакасини ва интерактив фаолликни ривожлантириш.

Sample lesson plan

I. Warm up activity.

Талабалар диққатини жалб этиш, уларни инглиз тили машғулотида ўтирганликларини ҳис этишлари, яъни адаптация қилиш, талабаларни қизиқтириш, эркин, ижодий фикрлашга ундайди (об-ҳаво, дам олиш), эркин мавзуларда қисқа суҳбат ўтказилади.

Бу машғулотда талабалар хотирасидаги сўз, ибора ва атамаларни эсга олиб, ўз нутқларида актив қўллашлари учун (Mind Map) хотира картасидан фойдаланилади.

II. Introduction (Focus on the lesson).

Кириш. Талабалар диққатини асосий дарс мавзусига диққатни жалб этиш. Ҳа ёки Йўқ, Yes ёки No деб жавоб берадиган саволлар беринг. Interactive activity.

III. Presentation. Дарсинг янги мавзусини тушунтириш. Венн диаграммасини қўллаш.

IV. Reading

V. Evaluation.


Машғулот жараёнида ўрганган малакаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Мавзу. Seasons of the Year.

Матнни аудиокассетада эшитгач, талабалар куйидаги вазифаларни ўз ҳамкорлари билан қисқа машқ (drill) ни бажарадилар.

Put months the in the correct place on the circle

Баъзи ҳолатларда ўрганиш стратегияси эътиборга олинганда (learning strategy) талабалар (Auditory - эшитиб тушунадиган, Kinesthetic - ҳаракат қилиб тушунадиган, Visual - кўриб тушунадиган, Tactile -бирор нарсани ушлаб кўриб тушунадиган талабаларга бўлинади). Талабаларга мўлжалланган машқларни тайёрлаш лозим. Талабалар ўрниларидан туриб карточкада кўрсатилган рақамларни 2 тасини топиб, суҳбат ўтказадилар.



Тартибидаги машқлар, яъни диалогларни жуфт - жуфт бўлиб бажарадилар.

VI. Application Мустақил қўллаш

Inter active activity

Ўзаро фаол машғулот

Феъл замонларини мустаҳкамлаш, уларнинг оғзаки нутқда тўғри қўллаш малакасини ривожлантириш мақсадида куйидаги жадвалдан фойдаланиб саволлар берилади.

Талабалар ўз жойларини ўзгартириб, янги ҳамкор билан суҳбат ўтказди.

№	Does s/he, Do you	Always	Usually	Often
	Attend classes			
	Drink coffee/tea			
	Go to the institute			
	Take an active part			
	Ask questions			

Meet your friends			
Visit friends at week ends			
Go shopping			

VII. Chain writing (занжирли ёзиш).

Мавзу бўйича берилган гапни талабалар бирин-кетин ўзидан олдинги талабанинг гапини ўқиб, ўзини фикрини баён этади ёки эътироз этиши мумкин (Critical thinking).

2.2.5. Ижтимоий - гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида баъзи педагогик технологияларни қўллаш

Ақлий ҳужум

Ҳозирги пайтда дарс жараёнида кенг қўлланиладиган усуллардан бири "ақлий ҳужум" ҳисобланади. "Ақлий ҳужум" - муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланиладиган усулдир. У қатнашчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундайди. У берилган ҳар қандай муаммога кўп сонли ечимлар топишга ёрдам беради. Ақлий ҳужум қадриятларни танлаш ва муқобилларини аниқлашда ёрдам беради.

Ақлий ҳужум ўтказиш қоидалари:

1. Ўйлаш жараёнида ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўйилмайди. Агар ўйлаш жараёнида ғояларни баҳолайдиган бўлсангиз, қатнашчилар эътиборларини ўз фикр ва ғояларини ҳимоя қилишга қаратиб, уларнинг янгилари ва яхшилари устида бош қотирмай қўядилар.

2. Ҳаммани ўйлашга ундаш керак, токи ҳеч бир талаба ўз фикрини эркин баён этишдан қўрқмасин.

3. Фикр ва ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

4. Ҳар бир киши ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин,

Самарали ақлий ҳужум учун қадамлар:

1. Талабаларни бемалол ўтирадиган қилиб жойлаштиринг.

2. Ғояларни ёзиш учун доска ёки қоғоз варақларини тайёрлаб қўйинг.

3. Муаммони аниқланг.

4. Иш қоидаларини белгиланг.

а). ғоя ва фикрлар ҳеч қанақасига баҳоланмайди;

б). фикрларга тўлиқ эркинлик берилади;

в). ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;

г). бошқалар ғояларига асосланинг (қўшинг, қайта ўзгартиринг ва ҳ.к)

5. Фикрларни айтилиши билан ёзиб олинг.

6. Қоғоз варақлари тўлганда, уларни деворга осиб қўйинг.

7. Ўзингиздан қўшиб, янги ғояларни рағбатлантиринг.

8. Ўзгаларнинг ғоялари устидан кулиш, кинояли шарҳлар бериш ва майна қилишларига йўл қўйманг.

9. Ғоялар таклиф этилаётган экан, ишни давом эттираверинг.

"Ақлий ҳужум"дан дарснинг бошланишида, маълум мавзу юзасидан талабаларнинг дастлабки тасаввурларини билиш учун қўлланилади.

Категориал обзор

Бу усул (стратегия) "ақлий ҳужум" жараёнида талабалар томонидан илгари сурилган ғоя ва фикрларни жамлашга, тартибга солишга ёрдам беради ва чуқур тушуниш учун асос яратади.

У - билим, ўқув ва кўникмаларни ҳамда ақлий ҳаракатлар усулларини ривожлантиради.

Бу усулни қандай қўллаш керак?

- 1 - қадам.** Гуруҳда "ақлий ҳужум" ўтказиб борча ғояларни ёзиб олиш керак.
- 2 - қадам.** Умумийроқ категориялар асосида олинган информацияни маълум белгиларга кўра умумлаштириш керак.
- 3 – қадам.** Ҳар бир категорияни доскага ёки қоғозга ёзиб, уларнинг тагига олинган информация ёки ғояларни тегишлича тақсимлаб чиқинг.
- 4 - қадам.** Тақсимлаш жараёнида талабалар баъзи категорияларнинг номларини ўзгартиришлари ёки янгиларини киритишлари мумкин.
- 5 - қадам.** Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳларнинг ишланмалари билан танишиш имкониятига эга бўлиши керак.

Ўқитувчи учун кўрсатмалар

1. Талабалар тайёрлаган категорияларни бир - бирига таққослаб баҳоламанг. Бу ишни улар ўзлари қилишсин.
2. Ўзингиз тайёрлаган категорияларни аввалдан уларга тавсия этманг, талабаларга эркинлик беринг.
3. Категориал обзорнинг охириги натижаси муҳим эмас, балки жараённинг ўзи муҳимдир.
4. Бу усулни дарснинг "Чақирув" босқичида ҳамда "Фикрлаш" босқичида қўллаш мумкин.

"Кичик гуруҳларда" ишлаш усули. "Т - схема" - усули

Т - схема - бир концепциянинг икки томони, икки жиҳатини таққослаш воситаси. Икки хил жавоб ёки таққосланишларни ёзиб олишнинг универсал график шаклидир.

Нимани ривожлантиради?

- ◆ Билим, ўқув ва кўникмаларни;
- ◆ Ақлий фаолият усулларини;

У қандай кўринишга эга?

Т - схема.

№	Кичик халқлар маданиятини сақлаб қолиш учун сабаблар	Кичик халқлар маданиятини сақламаслик учун сабаблар
1.	Ренгбарангликни қўллаб-қувватлайди	Жамиятни бўлиб юборади
2.	Индивидлар буни хоҳлайдилар	Ҳамжамият манфаатларига қарши чиқишади
3.	Баъзи анъанавий қадриятларни қўллаб-қувватлайдилар	Анъанавий қадриятлар сақланмаслиги керак, чунки улар жамиятни интеграциялашув жараёнига ҳалақит беради

"Кичик гуруҳларда ишлаш"

"Кичик гуруҳларга бўлиш" мақсадлари қуйидагилардир : 1- дарс жараёнида янги ўқув материални ўзлаштириш; 2- амалий топшириқларни бажариш; 3- тарбия жараёнида ижтимоий топшириқларни бажариш; 4- дарсдан бўш вақтларини ташкил этиш; 5-талабаларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш; 6 - шахслараро муносабатларни мустаҳкамлаш.

Гуруҳларда ишлаш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Гуруҳларда машғулоти режалаштириб, талабаларни 4-5 гуруҳга тақсимлаш зарур, ҳар гуруҳда 4 - 6 иштирокчи бўлиши мумкин.

Изоҳ: гуруҳларнинг кўпчилиги иш натижалари презентацияси ва баҳолаши вақтини чўзиб юборади; гуруҳда талабалар сонининг кўпчилиги гуруҳ ишида фаол иштирок этиш имкониятини чеклайди.

2. Гуруҳ таркибини ўқитувчи белгилайди. Гуруҳнинг таркиби хилма-хил бўлиши керак. Барча муносабатларда "табақалаштирилган" гуруҳлар тузиш мумкин. Энг зехнли ва қобилиятли талабалар ҳар бир гуруҳга киритилиб, зехни ўткир бўлмаган талабаларни ҳам ҳар бир гуруҳга тақсимлаш мумкин. Иложи борица гуруҳ таркибини тез-тез алмаштиришга ҳаракат қилиш лозим. Талабалар доимо бир таркибда ишлашига йўл қўймаслик керак.

3. Тақсимлашнинг бирдан бир усулини 3-4 марта қўлланганда у зерикарли бўлиб қолади, шунинг учун гуруҳларга тақсимлашнинг қизиқарли усуллари топиш зарур (лотерея, алифбо бўйича, имконият ва қизиқишлар асосида ва бошқалар).

4. Берилган топшириқни бажариш учун гуруҳ доира шаклида ўтиради. Ҳар бир иштирокчи ҳаммани кўрмагунча гуруҳ ишни бошлай олмайди. Улардан бири ёзади ("райтер"), бири қилинган ишни сўзга чиқиб ҳимоя қилади (спикер). Бу роллар ижросини барча гуруҳ аъзолари навбати билан бажаради. Кичик гуруҳ раҳбарларини тез-тез (1-2 ҳафтада, бир ой ёки чоракда бир марта) алмаштириш керак,

чунки ҳар қайси талаба ҳам раҳбар, ҳам буйсунувчи сифатида гуруҳдаги ишларни бажариши лозим.

5. Кичик гуруҳ учун берилган вазифани бажаришга аниқ йўриқлар кўрсатиш ва етарлича вақт бериш зарур.

6. Гуруҳ иши натижаларининг қандай шаклда топширилишини аниқ тушунтириш ва у ҳақида гуруҳга кимни эълон қилиши керак бўлса, уни олдиндан танлаб қўйиши зарур.

7. Ўқитувчи иш вақтида доимо ҳар бир гуруҳ атрофида юради, чунки уни саволларга жавоб бериш зарурати бўлиши мумкин.

8. Гуруҳларни баҳолаш ва мукофотлаш тизимини ишдан олдин ўйлаб топиш ва тушунтириш керак. Муваффақиятга эришилган гуруҳ-учун албатта мукофот тайёрланади. Қиммат бўлмаса ҳам шундай мукофотлар талабаларни рағбатлантиради. Бажарилган ишлар учун кичик гуруҳларнинг тўпланган баллари махсус стендда кўрсатилади.

Талабаларни кичик гуруҳларга тақсимлаш учун турли усулларни қўллаш мумкин. Масалан:

- ◆ 4 гача санаш;
- ◆ меваларнинг номларига кўра - олма, нок, олхўри, анор;
- ◆ геометрик шакллар номи билан - учбурчак, тўртбурчак, квадрат, айлана ва ҳоказо.

2.2.6. "Фалсафа" фанидан ўтиладиган семинар дарсининг сценарийси

Мавзу: "Табиат фалсафаси"- 2соат.

Дарсининг мақсади: табиат - инсон ҳаёт фаолиятининг табиий ва зарурий шарти эканлигини кўрсатиш. "Табиат-инсон-экология" тизимини боғлиқликда таҳлил қилиб бериш.

Дарсининг якунида талабалар қуйидагиларни ўзлаштиришлари керак.

- мавзу бўйича асосий тушунча ва категорияларни бериш;
- табиат борлигининг асосий структура даражаларини санаб ўтиш;
- табиат ва жамият тузилишидаги алоқаларни ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтира олиши;
- инсоннинг табиий муҳитга таъсири оқибатларини таҳлил қилиши;
- мавжуд экологик вазиятни баҳолай олиши;
- ушбу вазиятни яхшилаш бўйича ўз тавсияларини бериши.

Семинарда ўқитишнинг интерфаол усулларида қуйидагилар қўлланилади.

- ақлий ҳужум;
- категориал обзор;
- кичик гуруҳларда ишлаш;
- "Т-схема"ни тўлдириш.

Дарсининг бориш жараёни

Мавзуни бошлашдан аввал ўқитувчи ўтган мавзу билан янги мавзуни боғлиқлик томонларига талабаларни диққатини жалб этади ва табиат борлиқ тушунчасининг бир қисмини ташкил этишини кўрсатиб беради. Шундан сўнг биринчи саволни муҳокамаси бошланади.

1. Машғулотнинг биринчи саволи :

"Табиат тушунчаси, унинг фалсафий моҳияти" - (5 -7 мин.).

Бу масала бўйича "ақлий хужум" ўтказилади ва талабаларга "табиат деганда нимани тушунасиз?"- деган савол берилади. Барча ғоялар ватман қоғозга маркер билан ёзилади. Ёзилган фикрлар кенгрок категорияларга умумлаштирилиб, "категориал обзор" шаклига келтирилади, яъни табиатдаги предмет ва ҳодисалар "микроолам", "макроолам", "мегаолам" каби структура даражаларга ажратилади.

Муҳокаманинг сўнгида ўқитувчи мазкур масала бўйича айтилган фикрларни жамлаб хулоса ясайди.

2. "Табиат ва жамият, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик"-масаласи бўйича муҳокамани бошлашдан аввал талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳ учун вазифа берилади. Вазифа тарзида қуйидаги саволлар қўйилади:

1. Табиат ва жамият ўртасидаги боғлиқлик нималарда намоён бўлади?

2. Табиат ва жамият ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги тасаввурлар фалсафа тарихида қандай ўзгаришларга юз тутган? Бунинг сабаби нимада?

3. Илмий-техника инқилоби жамият учун нимани беради ва инсоният учун қандай йўқотишларга олиб келади?

Ҳар бир гуруҳга муҳокама учун 5 - 7 минут берилади. Тайёр ватманга ёзилган ишланмалар доскага илиниб, ҳар бир гуруҳдан биттадан талаба ўз вазифаларини тақдим этадилар. Тақдимот учун 2 - 3 минут берилади.

3. "Экологик муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари"- масаласи бўйича ҳам кичик гуруҳларда ишлашни давом эттириб, "Экологик муаммоларнинг мазмуни нимада?", "Бу муаммоларни ҳал этиш йўллари қандай?", "Ўзбекистон табиатини авайлаб-асраш муаммолари" каби саволлар бўйича муҳокама қилинади. Ҳар бир гуруҳ ўз ишларини тақдим этадилар. Ҳар бир тақдимот учун 5 - 7 минут берилади.

Дарс якунида ўқитувчи барча талабаларни баҳолаб, бу баҳоларга тушунтириш беради.

2.2.7. Жонлантирилган маъруза

Маълумки, маъруза олий ўқув юртларда таълим беришнинг асосий воситаси (қуроли) ҳисобланади. Яхши тайёрланган ва ташкил этилган, динамик тарзда ўтказилган маъруза: янги информацияни бериши, мураккаб назарий масалаларни тушунтириб системага солиши, муаммони ҳал этиш жараёнида ижодий тафаккурни моделлаштириши, турли ғоялар ўртасидаги боғланишларни таҳлил қилиши ва кўрсатиши, билим олишга интилишни шакллантириши, таълимни давом эттириш учун ташаббус ва мотивацияни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари маъруза иқтисодий жиҳатдан ҳам қулайдир. Идеал тарздаги маъруза талабаларни ўқув жараёнига жалб этиши, улар ўртасида ўзаро таъсирни келтириб чиқариши ва қизиқиш уйғотиши керак. Лекин, афсуски, бундай идеал ҳолатга жуда оз маърузалар эриша олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳатто энг қизиқарли маълумот берувчи маърузалар ҳам 15 - 20 дақиқадан сўнг ўз унумдорлигини йўқотади.

Ҳозирги замон олий таълимнинг талабаларини ҳисобга олиб, талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ва ўрганилаётган материални фаол таҳлил қилишни рағбатлантирувчи янги педагогик технологияларга таянган ҳолда қуйидаги жонлантирилган маъруза вариантини ҳавола қиламиз.

Жонлантирилган маъруза - анъанавий маърузанинг чуқурлаштирилган вариантыдир. Мазкур маърузада фаолиятнинг ҳар хил шакл ва турлари қўлланилади. Жонлантирилган маъруза билим, ўқув ва кўникма ҳамда шахснинг эмоционал-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Маъруза №8.

Маърузани ўтказиш усули:

1-қадам. Аввалдан маърузани мантиқан тугалланган қисмларга бўлиб чиқинг.

2-қадам. Талабаларга диққатини материалнинг муҳим жиҳатларига жалб этувчи вазифа беринг. Вазифалар турлари:

1. Барча билимларини жамлаш мақсадида "ақлий хужум" ўтказинг. (Кичик гуруҳларда) фикрларни ватмонга ёзиб, доскага илиб қўйинг.

2. Жуфтликларда муҳокама қилиш учун савол беринг.

3. Бошламоқчи бўлган маърузага тегишли бўлган атама ва тушунчалар рўйхатини кўрсатиб, 3 - 4 минутдан сўнг бу термин ва тушунчаларни тахминий талқинини беришни сўранг.

3-қадам. Маъруза материалларини 5 минут давомида баён этинг (10 минутдан ошмасин).

4-қадам. Дастлабки натижаларни хулосалаш, талабалар ўз фикрларини маърузада эшитган ғоялар билан таққослайдилар.

5-қадам. Унча катта бўлмаган вазифалар берилади (кичик гуруҳларда ёки жуфтликларда ишлаш учун).

Вазифалар турлари;

_ учун нима қилмоқ керак

_ билан нима бўлади?

-..да қандай қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин ва ҳоказо.

Иккинчи қадамда баён этилган вазифалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Муҳими маърузани давомини тинглаш учун талабаларда қизиқиш ва интилиш пайдо бўлсин.

6-қадам. Маърузани кейинги қисмини 10 - 15 дақиқа баён этиш.

7-қадам. Маърузанинг бу қисми бўйича фикрларини хулосалаш. Талабалар ўз ғояларини маърузада баён этилган фикрлар билан таққослайдилар.

8-қадам. Якуний вазифа:

1. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, маърузанинг муҳим тамойилларига тегишли бўлган саволга жавоб берадилар.

2. Талабалар 10 минутли "эссе" ёзадилар.

3.Улар 5 дақиқада “чиқиш карта”сини тўлдирадilar.

Ўқитувчига маслаҳат

Жуда яхши тайёргарлик кўришингиз, жонлантирилган маъруза (продвинутая лекция) ўтказишнинг турли вариантларини қўллай билишингиз, импровизация қилишга тайёр бўлишингиз лозим.

Фалсафа фанидан "Инсон фалсафаси" мавзусида жонлантирилган маъруза ўтиш бўйича кўрсатмалар

**Дарснинг мақсади: Инсонни биосоциал мавжудот сифатидаги
асосий хусусиятларини очиб бериш**

**Маъруза якунида талабалар қуйидагиларни билиши
керак:**

- ◆ Инсон, индивид, индивидуаллик, шахс, биосоциал мавжудот, шахс эркинлиги ва ҳ.к. каби асосий тушунча ва терминларнинг мазмун-моҳиятини билиши ва талқин қилиб бериши;
- ◆ Инсонни биосоциал мавжудот ва шахс сифатидаги хусусиятларини турли ҳаётий мисоллар ёрдамида намоёниш эта олиши;
- ◆ Инсон ва шахс масаласи бўйича фалсафа тарихида мавжуд бўлган айрим назария ва таълимотларда баён этилган фикр ва мулоҳазалардаги ижобий ва камчилик томонларини тўғри баҳолай олиши;
- ◆ Мазкур масала бўйича ўз нуқтаи назарини баён этган ижодий эссе ёза олиши керак.

**Маъруза дарсида қуйидаги интерфаол усуллар
қўлланилади:**

- ақлий хужум;
- кичик гуруҳларда ишлаш;
- мини маъруза;
- кичкина иншо - "эссе",
- "чиқиш картаси"ни тўлдириш.

Маърузада қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

1. Инсон оламнинг таркибий қисмидир. Инсон табиати ва моҳияти- Инсон борлиги.
2. Инсон ва шахс. Шахснинг табиий, ижтимоий ва маънавий-психологик хусусиятлари.
3. Инсон манфаатлари, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари. Ислохотлар-инсон манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнидир.
4. Инсон муаммосини ўрганишнинг зарурати ва аҳамияти.

Маърузанинг бориш жараёни:

Энг аввало, кўйилган саволларга қараб маърузани 4 та кичик қисмларга бўлиб оламиз. Қисқа кириш қисмидан сўнг талабаларни кичик гуруҳларга тақсимлаб, муҳокама учун уларга қуйидагича вазифа берилади.

Вазифа:

Француз ёзувчиси Веркорнинг "Одамлар ёки ҳайвонлар?" номли китобида бир неча- европаликлардан иборат бўлган экспедиция Анд тоғларига бориб, у ерда одам оёғи етмаган жойда ёввойи қабилага дуч келганлар. Бу қабила аъзолари на ҳайвон ва на одам эдилар. Тақдир тақозоси билан улардан бири ўлдирилади. Шунда бир савол туғилади: ўлдирилган одамми ёки ҳайвонми? Агар одам бўлса, унда қотиллик учун жиноий жавобгарликка тортилиш лозим. Агар ўлдирилган ҳайвон бўлса, унда жавобгарлик йўқ. Бу муаммони қандай ечмоқ лозим? - Бу қийин иш эмас, бунинг учун инсонни ҳайвондан ажратувчи асосий мезонларни кўрсатиш лозим. Муҳокама жараёнида турли мезонлар кўрсатилади: ахлоқ, дин, нутқ, онг ва ҳ.к. Сизнинг фикрингизча инсонни ҳайвондан фарқловчи асосий мезонлар нималар?

Бу вазифани бажариш учун 5 минут вақт берилади.

Талабалар кичик гуруҳларда ўз ишларини тугаллаб, ватман қоғозига ўз фикрларини ёзиб, доскага илиб қўядилар ва тақдимот учун ҳар бир гуруҳдан биттадан одам чиқиб, тушунтириб беради. Шундан сўнг ўқитувчи 10 - 15 минутга мўлжалланган маърузасини баён қилиб беради. Талабалар маърузада эшитган фикрларни ўз мулоҳазалари билан таққослаш имконига эга бўладилар. Сўнг ўқитувчи маърузанинг биринчи қисми бўйича хулоса қилади.

Маърузанинг иккинчи қисмининг бошлашдан аввал талабаларга яна вазифа ёки савол берилади

1. Индивид, индивидуаллик ва шахс тушунчаларини қандай талқин қилиш мумкин?

Вақтни тежаш мақсадида қўл кўтарган болалардан фикрларини билиш ҳам мумкин. Берилган жавобларни жамлаб иккинчи кичик маъруза ўқилади (7-10 минут).

Талабалар яна ўз фикрлари билан маърузада баён этилган ғояларни солиштириб кўрадилар.

Учинчи кичик маърузани бошлашдан аввал "Шахс эркинлиги ҳодисасининг парадокс томонларини кўрсатиб беринг?" -дегон савол берилади. Кичик гуруҳлар бу саволга жавобни 2 - 3 минутдан сўнг тақдим этишлари керак. Тақдимотдан -сўнг ўқитувчи маърузанинг кейинги бандларини баён этади. Агар ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланиб 5-10 минут ошириб қолдирса, у ҳолда талабаларга 10 минутли "эссе" ёзиш вазифаси берилади.

Эссе мавзуси: "Мен шахсда қадрлайдиган асосий фазилат".

3. Илғор педагогик технологиялар асосида ўтказилган дарс натижалари ва уларнинг таҳлили

Ҳар бир турдаги машғулотнинг олдиндан белгиланган ўқув мақсадларига қай даражада эришилганлигини аниқлаш муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир машғулот

давомида ёки охирида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш зарур. Шунингдек, олинган натижалар самарадорлигини аниқлаш ўқув жараёни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

3.1 Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиблари

Маълумки, илғор педагогик технологиялар асосида ўтказилган машғулотларда талабалар суст (пассив) тингловчидан фаол иштирокчига айланади. Талабалардаги фаолликни ўз вақтида рағбатлантириб бориш юқори самарадорликка эришишга имкон беради.

Бунинг учун маъруза машғулотларида қўйилган муаммоларни ечишда фаоллик кўрсатган талабаларни баҳолаб бориш, тезкор усулда ўтказилган тестлар натижаларини гуруҳ журналига қайд қилиш шарт.

Талабалар билимини назорат қилишда турли усулларни қўллаш мумкин. Аммо маъруза машғулоти давомида бу иш жуда тез ўтиб кетиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ўртача 5-10 минут вақт ажратиш мумкин.

Амалий (семинар) машғулотларда талабалар билими турли вазифаларни (масала ёки машқлар ечиш, турли ишбилармонлик ўйинларида қатнашиш ва ҳ.к.) қай даражада тўла бажаришларига қараб баҳоланади. Бунда тегишли Фан бўйича олдиндан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларига қатъий амал қилинади.

3.2 ИПТ асосида ўтказилган дарс натижалари таҳлили

Таълим тизимида сифат кўрсаткичлари ва самарадорликнинг, асосан, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи ва ундаги "аъло" ва "яхши" баҳоланган талабалар салмоғини ташкил этади. Ҳар бир машғулот бўйича ушбу кўрсаткичларни аниқлаб бориш ҳамда уларни олдинги машғулот натижалари билан солиштириб таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун биз жадвал кўринишидаги қуйидаги таҳлил шаклини мунтазам тўлдириб боришни тавсия этамиз,

3-1-жадвал.

Фан номи Машғулот тури Мавзу Ўқитувчи доц. К. Аманов		<u>Амалий механика</u> <u>Амалий</u> <u>Таянч реакцияларини топиш</u> гуруҳ 50-01 А	
№	Кўрсаткичлар	«20»01 2005 й. Ўтказилган машғулот натижалари	Олдинги машғулот натижалари
1	Талабалар сони	20	20
2	Таянч иборалар сони	4	5
3	Мустақил бажарилган топшириқлар сони: Масала Мисол	3	3

	Машқ.....		
4	Топшириқни тўла бажарганлар	11	9
5	Топшириқни қисман бажарганлар	6	4
6	Топшириқни умуман бажармаганлар	3	3
7	Гуруҳ бўйича ўзлаштириш,%	85%	65%
8	Ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари		
	«аъло» 86-100%	8	7
	«яхши» 71-85%	7	3
	«ўрта» 55-70%	2	3
	«қониқарсиз» 55%дан кам	1	7
9	ХУЛОСА самарадорликка	-эришилади	20%
		-эришилмади	-%

ИЗОХ: ушбу жадвални тўлдиришда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

Амалий (ёки маъруза) машғулот давомида талабалар томонидан ўзлаштириладиган таянч иборалари сонини ўқув мақсадлари таксономиясидан олиш зарур. Машғулот давомида ҳар бир талабага нечта топширик, (масала, мисол, машқ ёки бошқа кўринишдаги вазифа) берилган бўлса, шунинг сони учинчи қаторда келтирилади. Тўртинчи қаторда топшириқни тўла бажарганлар сони келтирилади. Бешинчи қаторда топшириқни чала ёки қисман бажарганлар сони ва олтинчи қаторга умуман бажармаганлар сони келтирилади.

Еттинчи қаторга гуруҳ бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисоблаб ёзилади. Бунинг учун 4 ва 5 қаторлардаги сонлар қўшилиб, умумий талабалар сонига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади. Яъни:

$$\frac{11+6}{20} * 100\% = 85\%$$

$$\frac{9+4}{20} * 100\% = 65\%$$

Саккизинчи қаторда ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари келтирилади, яъни "Аъло" (86% - 100%), "Яхши" (71% - 85%), "Ўрта" (55% - 70%) ва "Қониқарсиз" (55% дан кам) баҳолар сони келтирилади. Тўққизинчи қаторда дарс натижалари бўйича умумий хулоса танланади, бунинг учун натижаларни олдинги дарс натижалари билан таққослаб, самарадорликни фоизларда ифодаланади.

Бунинг учун гуруҳда шу куни ўтказилган ва олдинги дарслардаги ўзлаштириш кўрсаткичларини фарқи топилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари. - Бухоро. "Муаллиф", 2001 й.
2. Фарберман БЛ., Мусина Р.Г. Методические рекомендации по проектированию и реализации педагогических технологий. - Т.: 2002 й.
3. Азизхўжаева Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар. - Т.: **2002 й.**
4. Авлиёкулов Н.Х. ва б. Янги педагогик технологиялар фанидан намунавий дастур. Бухоро 2000 й.